311297

ЎЗИНГ АСРА

Аё, Тангрим, ўзингдан бир ўтинчим бор,
Шундан буюк на қувонч, на соғинчим бор,
Юрагимдан Турон деган севинчим бор,
Ёмон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Ўзбек деган номи оғриб юрди қанча,
Адашган карвони оғриб юрди қанча,
Зўрларисиз зори оғриб юрди қанча,
Ёмон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Елкаси офтоб кўрмаган йиллари кўп,
Бириси икки бўлмаган йиллари кўп,
Тўйдириб, ўзи тўймаган йиллари кўп,
Ёмон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Лойқа сувлар тинди бир кун, тинди бир кун,
Сабр деган синди бир кун, синди бир кун,
Байрам бўлди унга шул кун, унга шул кун,
Ёмон кўзу нафаслардан ўзинг асра.



Бу кун бошига бахт қўнди, қувонурман,
Кўксига ҳам шамол тегди, қувонурман,
Йўллари ҳам равон энди, қувонурман,
Ёмон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Қайтиб қафасга кирмайди озод қушим,
Қуллик азобин билмайди озод қушим,
Икки дунё кам бўлмайди озод қушим,
Ёмон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Юртбошиси ҳар қадамда қўллаб турар,
Йигирма тўрт милёнини бирдай суяр,
Улар билан бирга йиғлаб, бирга кулар,
Ёмон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Аё, Тангрим, жоним бўлган шул диёрни,
Тоши тилло, тупроқлари гул диёрни,
Мустақиллик туғиб берган ҲУР диёрни
Ёмон кўзу нафаслардан ўзинг асра.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА.

ВАТАН ХАРИТАСИ

Оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, 1998 йилда ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш, омманинг миллий ва сиёсий онгини янада юксалтириш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиришнинг аниқ давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Республика комиссиясини тузиш ва унинг таркибида ишчи гуруҳларини ташкил этиш, 1998 йилнинг Оила йили деб эълон қилиниши муносабати билан тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши эълон қилинди.

* * *

Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Бош вазирлари Кенгашининг мажлисида Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва интеграцияни янада фаоллаштириш, минтақада ёқилғи энергетикаси саноатини ривожлантириш бўйича концепция ишлаб чиқиш, сув заҳиралари, телекоммуникация, минерал хом ашё ва бошқа соҳалар бўйича халқаро консорциумлар тузиш тўғрисидаги уч давлат Президентларининг таклифлари амалда қай даражада бажарилаётгани кўриб чиқилди.

Уч давлат томонидан тузилган лойиҳаларнинг барчаси ҳаётга тўлиқ татбиқ этилмаётгани, айни чоғда минтақа иқтисодий тараққиётининг стратегик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда ўзаро ҳамкорлик ривожини оқсаётган соҳаларга қаратиш зарурлиги қайд этилди.

* * *

Мамлакатимизга ташриф буюрган Қирғизистон Республикаси Бош вазири А. Жумағулов бошчилигидаги делегация аъзолари республика товар хом ашё биржасида бўлиб, бир олам таассурот билан қайтишди.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 11 декабрь, пайшанба № 145 (22.228).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЭРТАНИНГ ШИРИН УМИДИ

Оила — миллат пойдевори

Одатда, миллат, мамлакат, жамият тараққиёти ҳақида фикр юритилар экан, кўпинча унинг илк замири, бошланғич манбаи бироз эътибордан четда қолади. Зотан, ана шу муборак тушунчаларнинг ҳар бири аввало оила муҳитида ўз моҳиятига эга бўла бошлайди. Эндигина ақл таниб, атак-чечак қилаётган ҳар бир фарзанд Ватан, миллат, элу юрт сўзларини айнан оилада кашф этади. Ватаннинг муқаддаслигини, миллатнинг табарруклигини англатадиган илк гўша — оила . Шу боис ҳам миллат ва жамиятнинг пойдеворидир.

Халқимизда доно бир нақл бор: «Қуш уясида кўрганини қилади». Бу нақл йиллар давомида вақт ва тажриба синовидан ўтиб келган. Шу туфайли ҳам у ҳеч қачон ўз эҳтиёжини йўқотмади. Аксинча, халқ маънавий бисотидан мустаҳкам ўрин олди.

Дарҳақиқат, ана шу мақолнинг ўзиёқ инсон фаолиятида, унинг турмуш-турмушида, одобахлоқида оиланинг ўрни ва аҳамиятини беқиёслигини кўрсатиб турибди. Яъни, халқ нақли сиз оилада — уйингизда фарзандингизга қандай тарбия берсангиз, унга нималар муқаддас, улуғ эканлигини, нималар бидъат, нолойиқ эканлигини англата борсангиз, эртага у ҳам шундай кайфиятда улғаяди, демоқчи.

Оила қуришнинг, фарзанд камол топтиришнинг масъулияти улуғ. Оила тақдири, унинг тарбият муҳитининг натижаси кичик жамиятдан чиқиб кенг — давлат, мамлакат миқёсидаги жамиятга тақалади. Биз оилада кўрган, ўрганган хатти-ҳаракатларимизни жамиятда, жамоатчиликда татбиқ эта бошлаймиз.

1998 йилнинг «Оила йили» деб аталиши оила масъулиятининг, унинг миллат ва Ватан тақдиридаги ўрнини эътироф этгандай. Инсон умрининг мезони, унинг ҳузурҳаловати ва самараси ҳам оила. Яшаш лаззатини туйиш, туйғу ва масрурлик маскани, эртанинг ширин умиди, барчаси ана шу муқаддас оиладир.

М. МАНСУРОВ.

«Энг азиз, энг улуғ» танловига



Ўзбек соҳибкори.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

«Обуна — 98»

ФАРАНГ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ

«Ўзбекистон овози» учун обуна жараёни давом этаётганидан муштарийларимиз хабардорлар. Таҳририятимизга кўплаб қўнғироқ бўлиб, газетамизнинг бўлғуси йилдаги режалари билан қизиқиш давом этмоқда. Шу кунларда яна бир хушхабар олдик. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ҳам «Ўзбекистон овози»га обуна бўлишибди.

Ўйлаймизки, «Ўзбекистон овози» фаранг муштарийларимизни республикамиз ҳаёти билан таништиришда муҳим восита бўлиб қолади.

Абдумалик БОБОЕВ.

АЯНИНГ ҚУВОНЧИ

БУХОРО. Вобкентлик Шафиқа ая Абдурашидовани ЎзХДП туман кенгашига таклиф этишиб, кекса партиядошлардан Қудрат Темиров, Абдулла Мажидов, Мўмин Ўруновлар қатори «Ўзбекистон овози» газетасига йиллик обуна қилинганлиги ҳақидаги нашр қоғозини тақдим этишди. Шофрикон тумани марказий шифохонасида эса «Ўзбекистон овози»ни ўзимизнинг газета деб эъзозлашади. Бош шифокор Аҳмаджон Остоновнинг фикрига қараганда жамоа аъзоларидан 30 нафари газетамизга обуна қилинган.

Даврон БАҲРОНОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *Хорижий матбуот агентликларининг Москвадаги тиббиёт манбаларига таяниб тарқатган хабарларига кўра, Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 10 декабрь куни касалхонага ётқизилди. Россия Президентининг матбуот хизмати ушбу хабарни шарҳлашдан бош тортди.*

***

☑ *Женевада Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида тинчлик бўйича музокаралар бошланди. Бу тўрт томонлама музокараларда АҚШ ва Хитой ҳам иштирок этмоқда. Воситачи давлатлар Шимолий ва Жанубий Корея муносабатларининг тобора яхшиланиб бориши ва Корея ярим оролида барқарорликни тезроқ ўрнатишга ҳаракат қилишаётир.*

* * *

☑ *Минглаб араблар Фаластин ҳукуматининг шарқий Қуддусда аҳолини рўйхатга олишни тезлаштириш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлаб йиғилиш ўтказишди.*

* * *

☑ *Буюк Британия Бош вазири Чеченистонда ўғрилаб кетилган британияликларнинг қариндош-уруғларига мурожаат қилиб, ҳукумат уларни тезроқ озод этиш йўлида астойдил ҳаракат қилаётганини айтди.*

* * *

☑ *Бонн шаҳрида Босния бўйича ўтказилаётган конференцияда учта асосий қонун — вазирлар кенгаши, фуқаролик ва паспорт тўғрисида шартномага эришилди. Бироқ конференция давомида анжуман қатнашчилари ўртасида республикадаги вазиятни йўлга қўйиш бўйича асосий масалаларда бирмунча келишмовчиликлар бўлиб турибди.*

* * *

☑ *Германиянинг шимолидаги Жанубий Саксония вилоятининг Ганновер шаҳрида йўловчи ва юк поезди тўқнашиб кетди. Бунинг натижасида юздан зиёд киши азият чекди. Улардан 20 киши оғир ярадор бўлди.*

* * *

☑ *Руминия ўз ҳудуди орқали жаҳон бозорига 35 миллион тонна Озарбойжон нефтини Европага етказиб беришга тайёр эканлигини билдирди.*

* * *

☑ *Украина парламенти ҳукуматга таҳдид ўтказиб, агар уларнинг ҳаракат дастури қабул қилинмаса, истеъфога чиқарамиз, деб айтди.*

* * *

☑ *Албания халқаро ҳамжамиятнинг Косово автоном ўлкасидаги вазият билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.*

НОРАСИДАНИНГ ҚОТИЛИ

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Оддий ҳаётий фалсафа бор: ота-она фарзанди камолини ўйлайди, фарзанд оёққа туриб у ҳам болам, деб яшайди. Бу — минг йиллик мерос. Ҳеч ерга ёзилмаган, лекин сўзсиз амал қилинадиган бу мақаддас қоидага халқимиз ҳар қандай шароитда итоат этиб келган. Айни шу фалсафа элимизга болажонлик туйғусини сингдирган бўлса, ажабмас.

Бу юртда қўйнига ширинлик олиб, бутун маҳалла болаларига бир сиқимдан улашиб юрадиган мўътабар отахонлар қанча-ю, оёғи остидан пилдираб чиққан гўдакка жонини қоқиб, минг айланиб, минг ўргилгучи мунис онахонлар қанча! Етти ёт, ҳатто ўзга миллат фарзандларини-да бошини силаб, оқ ювиб-оқ тараб довруғи дунёга достон ҳам бизнинг юртдош, оддий ўзбек.

Жуда қўполу лекин бир мақол бор: тўқай тўнғизсиз бўлмайди. Афсуски, болажон халққа нухс келтирувчи турақўрғонлик Алижон Ҳамидовга ўхшаганлар ҳам учрар экан, ҳаётда.

Аслида Алижон Ҳамидов қилмиши ҳақида ёзгани қалам ҳам ор қилади. Наилож, бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил, дейишади. Шу маънода зора бу воқеа кимларнингдир кўзини очса, бундай қилмишлардан тийса, деган тилакдамиз.

Алижон Мингбулоқ туманидаги «Олтинкўл» жамоа хўжалигида этикдўзлик қилган. Ҳали қирққа бормай тўрт марта уйланган. Икки хотинидан беш нафар фарзанд кўрган. Йўқ, у уйланди, бола кўрди-ю, ота бўлолмади, оила қилолмади, ажрашди, фарзандларини аро йўлда ташлади, кетди.

Ўтган йили у яна уйланди. Кўнгил ишига-ку, аралашиб бўлмайди. Аммо Азиза Абдуллаева беш фарзандига меҳр кўргазолмаган ота икки ўгай норастанинг бошини силай оладими-йўқми демай Алижоннинг шаърий никоҳига ўтди.

Икки ой осойишта умр кечирилди. Ёз эди. Алижонга Азиза ҳайвонлар учун тайёрлаган сомон маъқул келмади. «Сомон қирқишни ҳам билмас экансан» деб бошланган жанжалдан тўрт ёшли Абдурашид уйғониб кетди. Ташқарига чиқиб, онасига қилинаётган даҳдаҳани кўриб йиғига тушди. Бундан Алижон ғазабга минди. Бориб Абдурашиднинг юзига шапалоқ тортди. Боласини ажратишга интилган она ҳам калтак еди. Зарбдан учиб кетган гўдакни бўйнидан сиқиб кўтарди-да, уй ичига отиб юборди. Ваҳшийлиги тутган А. Ҳамидов шу билан ҳам чекланмади. Боши билан учиб тушган гўдакнинг пиқиллаётгани уни яна ғазаблантирди. Бориб тепди, гўдак йиғидан тўхтагунча дўппослади.

Абдурашидни Шаҳанд қишлоқ касалхонасига олиб келдилар. Бироқ барча муолажалар хайф кетди. Гўдакни сақлаб қололмадилар. Тун ярмига бориб Абдурашид тўрт ёшида, бевақт ўтган отасининг меҳрига туймай ота деб умид қилгани — бир казоб берган азоблар натижасида ҳаётдан кўз юмди.

А. Ҳамидов энди тулланлик йўлига ўтди. Боланинг жасадини йўлини қилиб, касалхонадан олиб келди ва эрталабига кўмдириб юборди. Шу билан унинг жиноятини гўё босди-босди бўлувди. Бироқ Алижон одамийлик қиёфасини бутунлай йўқотгани кейинроқ маълум бўлди.

У хотини Азизани арзимаган сабабларни баҳона қилиб уриб, дўппослашга одатланди. Бир сафар у нон ёпишини баҳона қилиб «боплаб» урди, қаноатланмади, Азизанинг чап билагига пичоқ урди, ожизага жароҳат етказди.

Энди Алижоннинг кўзига ўгай қизи, 6 ёшли Осиё «хунук» кўрина бошлади. Укасининг қўққисдан ўлими, онасига ўтказилаётган зулм Осиёга қаттиқ таъсир қилган, у уйдан безганди. Алижон Осиёни ҳам «тарбиялаб-моқчи» бўлди ва бир куни кечқурун ўгай қизининг юзига ёниб турган сигаретани босди... Орадан беш кун ўтиб, маст ҳолда қизининг белига темир билан, чап биқинига пақир билан солиб, роса қийнади, азоб берди...

Ёмоннинг кучи ялоққа етибди, деганларидек, А. Ҳамидов ожизаларга етказган азоб-уқубатлари учун пировардида суднинг қора курсисига ўтирди. Абдурашиднинг жасади эксгумация қилинди. Маълум бўлишича, бош миясининг шикастланган, калла суягининг энса қисми синган, тепа қисми чокидан ажратилган, мияга қон қуйилган, қовурғалари синган экан. Бунга хотини Азиза Абдуллаевага етказган жароҳатлар, айниқса, мурғак Осиё олган маънавий ва жисмоний шикастлар қўшилди. Осиёни суд жараёнида онаси Азиза Абдуллаева иштирокида айбдорга рўпара қилинганда, қизча бечора қўрқувдан дод солди, «ўлган дадамга кетаман» деб бақирганда Оллоҳнинг ҳам раҳми келди, гўё.

Вилоят суди республикамизда соғлом авлод учун тинимсиз ғамхўрликлар қилинаётган бир пайтда, арзимаган сабаб билан норасида жонига қасд қилган Ҳамидов Алижон қилмишини қаттиқ қоралади. Суд айбдорни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг бир неча моддалари билан айблаб, олий жазога ҳукм қилди.

Аввало, Оллоҳ ҳеч биримизни кўз очиб кўрганимиздан қўймасин. Қолаверса, вояга етган, эсли-ҳушли, Инсон деган унвон эгаси бир оилани, пушти-камаридан бунёд бўлган фарзандларини лабзи билан тарбиялашга қодир. Зеро, буни оддийгина одамийлик деб ҳам атайдилар.

Бахтиёр МАМАТОВ,
Турақўрғон туман прокуратураси катта терговчиси.
Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета [ ] Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

Менда таклиф бор

«ИҚТИСОД АЛИФБОСИ»НИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Ҳар жума оқшомида томошабинларга тақдим қилинаётган «Иқтисод алифбоси» ўзининг кўпдан-кўп мухлисларига эга. Лекин кейинги ойларда мухлислар сони кўпаймасдан, балки камаймоқда. Бунга сабаб, биринчидан, кўрсатувларда такрорлашга йўл қўйилмоқда, иккинчидан, айрим кўрсатувлар алифбо доирасидан чиқиб, мураккаб иқтисодий масалаларга бағишланмоқда.

Ҳозирда кўзга ташланаётган муҳим камчиликлардан бири — кўрсатув мавзусини асосан шаҳарликлар дидига мослаштирилганлигидир. Ҳолбуки, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқларда истиқомат қилади. Шу сабабли «Иқтисод алифбоси»ни кўпроқ қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига бағишланган мавзулар билан бойитиш зарур. Шу йил 14 ноябрдаги «Қимматбаҳо қоғозлар» мавзусидаги кўрсатувда қимматбаҳо қоғозларни тарқатишда қишлоқ жойлардаги ўзига хос хусусиятларга эътибор берилмаган.

Айни пайтда пахтакорлар мавсумни якунлаб, сарҳисоб қилмоқдалар. Хўш, олинган даромадлар ҳисобидан қимматли қоғозлар сотиб олиш учун қишлоқ туманларда қандай ташкилотларга мурожаат қилиш керак? Қайси банклар ва уларнинг бўлимлари бу иш билан бевосита шуғулланадилар? Бу қоғозларни харид қилиш учун вилоят марказлари ёки Тошкентга келиб кетиш шартми?

Эшитиришда кўпчиликни қизиқтирган саволлар жавобсиз қолди.

Ҳикмат СОБИРОВ,
Тошкент Молия институтининг профессори,
Банк молия академияси илмий кенгаши аъзоси.

СИЗ НИМАГА ҚАРАБ ТЎҒРИЛАЙСИЗ?

Бошқаларни билмадиму, мен хорижий радиостанциянинг аниқ вақт сигналларига қараб соатни тўғрилайман. Бунинг сабаби Ўзбекистон радиосининг биринчи дастурида ҳам, «Машъал» радиостанциясида ҳам бу каби сигналларнинг берилиши шу вақтга қадар йўлга қўйилмаганлигидир. Менимча, мустақил давлат ўзининг аниқ вақт сигналларига ҳам эга бўлиши ва уни радио орқали ҳар соатда бир марта эшитириб туриши лозим. Шундагина биз соатларимизни бошқа давлатларнинг сигналларига қараб тўғриламайдиган бўламиз. Тошкентда астрономик обсерватория ишлаб турганлиги, у ерда ниҳоятда аниқ соатлар ўрнатилганлиги боис, бу техник жиҳатдан унчалик қийин иш бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
ҳуқуқшунос.

Миллат ва маънавият

ОҚҚАН АРИҚ

ДЕБОЧА

Хива шаҳрининг 2500 йилик тантаналарида қатнашаётган минг-минглаб юртдошларимиз, чет эллик меҳмонларга қарата Президентимиз Ислом Каримов теран бир ғурур билан: «Бундан минг йил муқаддам кишилик тарихидаги илк академиялардан бўлмиш — Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта», — деган сўзларни айтдилар ва «Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуғ иш бўлар эди», — деб қўшиб қўйдилар. Орадан кўп ўтмасдан Хоразм Маъмун академиясини қайта тиклаш тўғрисида Президент Фармони эълон қилинди.

Йўлбошчимизни ҳаяжонга солган ифтихор туйғуси миллионлаб ватандошларимиз каби менинг ҳам қалбимга кўчган эди. Энди эса бу фахр шукроналик кайфиятига йўғрилиб кетди.

Бизнинг исломий тарихимизда буюк зотларга тош-метиндан ҳайкаллар тиклаш расм бўлмаган, лекин уларнинг ишларини давом эттириш билан, васиятларига амал қилиш билан, илмларини асраш ва ёйиш билан, руҳи покларини эъзозлаш билан шундай маънавий ёдгорлик барпо этилганки, бўрону тўфонлар унга кор қилмаган.

Маъмун академиясининг қайтадан очилиши энг аввало Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино даҳоларига кўрсатилган эҳтиромдир.

«Оққан ариқ оқмай қолмас» дейди доно халқимиз. Бугун асрлар тўзони билан бекилиб кетган илм ўзани қайтадан очилди. Бугунги насларнинг улуғ боболаримизга муносиб бўлиб Ватан довруғини оламга таратиши учун имкон булоғи кўз ёрди. Шавкатли тарихимиз истиқлолий бугунимиз ва буюк эртамиз аро олтин кўприк солинди.

Бу тарихий вақеадан мен ана шундай таассурот олдим. У мени — бир кутубхона хизматчисини маданий ҳаётимиз ҳақида, унинг узвий бўлган кутубхоначилигимизнинг аввали ва ҳозири хусусида ўйлашга ундади.

РОСТ ТАРИХ

Сир эмас, яқин-яқинларгача ҳам Ўзбекистондаги академия ҳақида гап кетса 1943 йил, университет ҳақида гап кетса 1920 йил, кутубхоналар ҳақида гап кетса 1870 йил рўкач қилинар эди. Биласизки, бу йилларда ҳозирги Фанлар академияси, ҳозирги Тошкент Давлат университети, ҳозирги республика Давлат кутубхонаси ташкил этилган. Юртимизда қадимул айёмдан мавжуд бўлган «Байт» — ул ҳикма» (академия)лар, дорилфунун — мадрасалар, китоб хазиналари ҳақида расман сўз очилмасди. Аслида бу ўзларини маданият олиб келувчилар қилиб кўрсатишга уринган оқ ва қизил истилочиларнинг пухта ўйланган сиёсатининг меваси эди.

Ваҳоланки, тарих, рост тарих бизнинг ўлкамизда илмий-маданий муассасаларнинг, хусусан кутубхоналарнинг ташкил этилишини минг йиллар билан ўлчайди. Модомики бизнинг шаҳарларимиз икки — уч минг йиллик тарихга эга экан, оддий мантиқ шуни исботлайдики, шаҳарлар қурилиши ўша диёрдаги маданий тараққиётдан дарак беради. Маданий тараққиёт эса китобсиз рўй бермайди. Агар бизнинг давлатчилигимиз тарихи 2700 йилларга борар экан, кутубхоналар тарихи ҳам бундан кам эмас, деб ҳисоблаш керак.

Шайхул раис Абу Али ибн Синонинг Бухоро подшосини оғир дарддан тузатгани ва эвазига унинг кутубхонасидан фойдаланишга рухсат олганлиги ҳақидаги ривоятни кўпчилик билади. Аслида ҳам шундай бўлган. «Мен кутубхонага кирганимда кутубхона кўп хоналардан иборат бўлиб, ҳар бир хонада бир фанга оид китоблар сандиқларда сақланар эди. Мен қадимги муаллифларнинг рўйхатидан кўриб, ўзимга керакли китобларни танлаб олдим...» деб ёзган буюк ҳаким. Эътибор берилса фанларга оид китоблар алоҳида сақланиши ва рўйхатлар қилинганлиги ҳақида гап кетаяпти, бу эса кутубхоначилик ишининг юксаклигини, китоблар библиографияси ва таснифи мавжудлигини билдиради.

Умуман, Шарқда китоб муқаддас саналган, улуғланган. Амир Темур замонида ҳам жуда йирик кутубхоналар бўлган. Соҳибқирон мамлакатдан китоб олиб чиқиб кетишни маън қилган. Соҳибқиронинг китобга муносабати ҳақида яна бир мисол: у невараси Мирзо Улуғбекни Румга (Туркияга) борадиган элчиларга бошлиқ қилиб юборади. Улуғбек қайтишда бобосига Жалолиддин Румийнинг «Маснавию маънавий» асарини совға қилиб олиб келганда бу туҳфа салтанат соҳибини беҳад хурсанд қилганлиги маълум.

Улуғбек, Бойсунқур Мирзо, Алишер Навоий, Бадиуззамон кутубхоналари маданий тарихимизнинг қимматли саҳифаларини ташкил этади.

МАЪНАВИЙ БОҒ ТАШВИШЛАРИ

Мен кутубхонани мевали боққа, кутубхоначини боғбонга ўхшатаман. Боғбон боғни парвариш қилади, қўриқлайди, лекин унинг меваларидан бошқалар баҳраманд бўлса, шод бўлади. Кутубхонадаги барча материаллар улардан фойдаланувчилар учун, халқ учун асраб - авайланади. Шунинг учун ҳам кутубхоналар бир томондан илм-фан заҳираси бўлган китобларни ва бошқа ахборот воситаларини сақловчи муассаса бўлса, иккинчи томондан шу ахборот ганжинасини талабгорларга етказиб берувчи, хизмат кўрсатувчи муассасадир. Унинг жамиятдаги маърифий-маданий роли юксакдир. Кишилар онгининг ўсишида, тафаккурининг ўткирлашишида, дунёқарашининг кенгайишида китобнинг аҳамияти беқиёс.

Айниқса, ҳозирги Истиқлол даврида одамларда мустақиллик мафкурасини шакллантиришда кутубхоналар ўз зиммасига салмоқли юкни олиши керак, деб ўйлайман.

Мен давраларда, суҳбатларда ҳозир одамлар ўқимай қўйди, айниқса ёшлар ўзини тижоратга уриб кетди, деган гапларни тез-тез эшитаман.

Бунда жон борлиги аниқ, лекин синчковлик билан ҳақиқий ҳол таҳлил қилинса, ортиқча ваҳимага ўрин қолмайди. Сабаби, умуман бозор иқтисоди ёшу қарини ҳаракатга соладиган зўр ижтимоий омил ҳисобланади. Энди «ўқиш учун ўқиш» эмас, «наф келтирса, фойдаси бўлса ўқиш» деган тамойил ҳам пайдо бўляпти. Кейинги пайтларда хорижий тилларни ўрганувчиларнинг, компьютер ва бизнес курсларига қатновчиларнинг сони нақадар ошиб кетганлиги ҳам буни исботлайди.

Ҳозир мен ишлайдиган Алишер Навоий номидаги республика Давлат кутубхонасида ҳар куни ўрта ҳисобда 700 гача турли тоифадаги китобхонга хизмат кўрсатилади. Шулар орасида ўсмирлар ва ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг қизиқиш доиралари кенг, лекин энг кўп сўраладиган китоблар, бизнесга, иқтисодиётга, ҳуқуқшуносликка, психологияга оид китоблардир. Халқимизнинг тарихи, тасаввуф таълимоти, авлиё ва анбиёлар ҳақидаги китобларга ҳам қизиқиш катта. Бундан 2 — 3 йил олдингига қараганда китобхонлар оқимининг кўпайиши, айниқса ўсмирлар ва ёшлар яна кутубхонани маскан қилиб олаётгани кишини қувонтиради.

Нодир китоблар бўлими қироатхонасида дунёнинг турли юртларидан келган китобхонларни тез-тез учратиш мумкин. Бироқ, тан олиш керакки, қачонлардир лиқ тўла бўлган олимлар қироатхонаси гавжум эмас.

Бундан аҳвол умуман унчалик ёмон эмас экан, кутубхоналаримиз ҳозирги талабларга жавоб берар экан, деган тасаввур уйғонмаслиги керак.

Мен ишларимиз беш, камчиликлардан ҳолимиз дейишдан мутлақ ийироқман. Фақат кутубхоналарда, айниқса марказий кутубхоналарда пайдо бўлаётган ва кузатилаётган ижобий тамойилни таъкидламоқчиман, холос.

Энди талабга жавоб бериш масаласига келсак, ҳамма гап қандай талаб қўйилишида. Агар ҳозир кенг расм бўлган «жаҳон андозалари»га қиёслайдиган бўлсак, бизнинг кутубхоналаримиз, улардаги хизмат кўрсатиш усулию, техника ва технологиси, очиғини айтиш керак — ибтидоий.

Муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, улар кеча-бугун туғилган эмас. Ўн йиллар давомида ҳал қилинмай келинган муаммоларнинг йиғиндиси бўлиб, олдимизда кўндаланг турипти.

УЧ ИЛДИЗ

Бир донишманд «муаммо уни бартараф этиш учун туғилади» деган экан. Бизнинг олдимизда турган мушкулотларни ечиш учун нималар қилишимиз керак? Менимча, бунинг учун кутубхоначиликнинг ҳал қилувчи уч илдизини мустаҳкамлаш керак. Булар:

1. Ҳуқуқий асос. Маълумки, биз муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов йўлбошчилигида қонун устувор бўладиган демократик маданий давлат барпо этиш сари қадам ташлаяпмиз. Шундай экан, бошқа соҳалар сингари кутубхоначилик ишини тартибга солувчи

I II

ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ!

Партия ахбороти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг 9 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида асосий эътибор, Ўзбекистон ХДП МК **Сиёсий ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг матбуот нашрларига 1998 йил учун обунани ўтказиш бўйича вазифалари тўғрисида»**ги қарори партия ташкилотлари ва унинг марказий нашрлари таҳририятлари томонидан қандай бажарилаётганлигига қаратилди. Ушбу масала юзасидан Андижон, Навоий, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоят ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари биринчи котиблари Р. Мухторов, Д. Воҳидов, Н. Ҳазратов, Ў. Турғунов, А. Эгамбердиев, Л. Ғуломов, Бухоро ва Сирдарё вилоят партия кенгашлари иккинчи котиблари С. Болтаев, Н. Холматов ҳамда «Мулоқот» журнали ва «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррирлари Б. Бойқобилов, Азим Суюнларнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда таъкидланганидек, партиянинг барча ташкилот ва муассасалари матбуот нашрларига 1998 йил учун обунани ташкил этишдек муҳим сиёсий масала билан шуғулланмоқдалар. Партия марказий нашрларига обунани ташкил этиш бўйича Марказий Кенгаш қошида тузилган Ҳайъат, маҳаллий партия кенгашларининг тегишли гуруҳлари бу ишга раҳбарлик қилмоқдалар. Қорақалпоғистон республика, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Жиззах вилоят, қатор шаҳар ва туман партия ташкилотлари обуна мавсумига яхши тайёрланиб, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ва ташкилотчилик ишларини яхши йўлга қўйдилар. Наманган вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари обунани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида барча даражадаги депутатлар, ХДП аъзоси бўлган мансабдор шахсларга махсус хат билан мурожаат қилдилар, уларни бу ишда ҳамкорликка чақирдилар. Бу ерда партия фахрийлари ва фаол аъзоларини, корхона ва хўжаликлар ҳомийлигида, обуна қилдиришга катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Норин туманидаги «Норин» ҳиссадорлик жамоаси раёсати партия фахрийларидан бир гуруҳини, мукофот тариқасида, 100 минг сўмга обуна қилдирди. Косонсой туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги раҳбарлари томонидан ишлаб чиқариш илғорларидан 11 кишини «Ўзбекистон овози» газетасига, 12 киши «Мулоқот» журналига ёздирилди. Шу тумандаги тиббиёт билим юрти маъмурияти аълочи талабалардан 14 нафарини «Ўзбекистон овози» ва 67 нафарини вилоят партия кенгаши газетаси — «Халқ иродаси»га, мукофот тариқасида, обуна қилдирди. Шуниси эътиборга моликки, обунани ўтказишда маҳаллий телевидение имкониятларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Тошкент шаҳридаги Бектемир ва Акмал Икромов туман партия кенгашлари, тегишли ҳокимликлар билан, обунани ўтказиш бўйича қўшма комиссиялар тузиб, уларнинг ишида фаол қатнашмоқдалар. Шу боис, бу туманларда обунани ўтказиш натижалари ёмон эмас.

Декабрь ойи бошларига келиб, Қорақалпоғистон республикаси партия ташкилоти «Ўзбекистон овози» газетаси, Жиззах, Сурхондарё, Хоразм вилоят партия ташкилотлари — «Голос Узбекистана», Наманган вилоят партия кенгаши «Мулоқот» журнали бўйича, Хазорасп, Усмон Юсупов, Бектемир туман, Тахиатош, Урганч ва Қарши шаҳар партия ташкилотлари эса барча нашрлар юзасидан белгиланган марраларни муваффақиятли эгалладилар.

Шу билан бирга, таҳриллар обунанинг бориши кўп жойларда қониқарсиз эканлигидан далолат беради. Айниқса, МК Котибияти мажлисида раҳбарларининг ахбороти тингланган партия кенгашлари топшириқларни бажаришда сусткашлик қилмоқдалар. Қатор бошқа партия ташиклотларида ҳам аҳвол яхши, деб бўлмайди. Зеро, уларнинг етакчилари бу муҳим масалага етарли даражадаги масъулият билан ёндашмаётирлар, ташаббускорлик кўрсатмаяптилар.

Бу ишда партиядан республика Олий Мажлисига, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига сайланган депутатлар, ҳокимликлар ва бошқарув муассасаларидаги масъул лавозимларда ишлаётган ХДП аъзолари, маҳаллий матбуот, радио, телевидение имкониятларидан етарли фойдаланилмаётир. Марказий нашрлар таҳририятлари ходимлари жойларга чиқиб, газетхон ва журналхонлар билан учрашувлар, ўқувчилар конференциялари, матбуот кунлари каби оммавий-сиёсий тадбирларни кам ўтказмоқдалар.

Марказий Кенгаш Котибияти матбуот нашрларига 1998 йил учун обунани ўтказиш соҳасида мавжуд камчилик ва имкониятларни кўрсатиб, ХДПнинг барча даражадаги кенгашлари, бошланғич, ҳудудий ташкилотлари, партия марказий матбуот нашрлари таҳририятларидан ушбу муҳим сиёсий ишдаги нуқсонларни тезда бартараф этиш, уни муваффақиятли якунлашни талаб қилди.

Котибият муҳокама этиб, унинг юзасидан қабул қилинган **«Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар кенгашининг бошланғич ҳудудий партия ташкилотларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш борасидаги ишлари тўғрисида»**ги қарорда ушбу партия кенгашларининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низоми ва Дастури, Марказий Кенгаш XV пленуми ва Сиёсий ижроия қўмитаси қарорлари талабларини бажара бориб, ўз сафларини мустаҳкамлаш, қуйи партия ташкилотлари тизилмаларини такомиллаштириш, уларнинг меҳнат жамоалари ҳамда аҳоли истиқомат жойларида таъсирини кучайтириш бўйича муайян ишларни амалга ошираётганлиги қайд этилди. Шу билан бирга, бу соҳада қатор камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги таъкидланди. Шаҳар партия кенгаши эътибори ҳудудий партия ташкилотлари тармоғини, аҳоли истиқомат жойлари, макан-кенесларда ташкил этиш ҳисобига, янада кенгайтириш зарурлигига қаратилди. Шунингдек, Ўзбекистон ХДП шаҳар ташкилоти ҳаётида партия сайланма органлари фаоллари иштирокини таъминлаш, Олий Мажлис сессиялари якунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг нутқ ва асарлари, партиявий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида мунтазам равишда тушунтириш бўйича ишлар савиясини ошириш, шу мақсадда, шаҳардаги партия ташкилотларига, давлат ҳокимияти тизими идоралари вакиллари, олимлар билан ҳамкорликда, тегишли учрашувлар, сиёсий, маърифий тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш тавсия этилди.

Марказий Кенгаш Котибияти **Самарқанд вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП юқори органлари ва ўз қарорларини бажарилишини ташкил этиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги** масалани муҳокама этиб, унинг юзасидан қабул қилинган қарорда барча партия ташкилотлари эътиборини бу борадаги ишларни мунтазам равишда такомиллаштиришга қаратди.

Марказий Кенгаш Котибияти мажлисида, шунингдек, партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Ўзбекистон Қаҳрамони Машарип Қувақов ҳамиша янги-янги ташаббуслар бошлаётгани туфайли кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлянти. У ўзи раҳбарлик қилаётган «Боғот» жамоа хўжалигидан ўтувчи Полвон-Шовот, Полвон-Ғазовот каналининг устига шу хўжаликни қўшни хўжаликлар билан боғловчи улкан кўприкни қуриб битказиш ташаббускори бўлди. Бир йил давомида қуриб битказилган бу кўприк яқинда фойдаланишга топширилди. Ушбу бунёдкорлик ишига хўжалик 30 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлади.

СУРАТЛАРДА: кўприкнинг умумий кўриниши. Пастда кўприк қурилишига раҳбарлик қилган прораб Нурмуҳаммад Нурметов билан Машарип Қувақов. Юқорида кўприк қурилишида жонбозлик билан меҳнат қилган бунёдкорлардан кўтарма кран ҳайдовчиси Ёқуббой Жуманиёзов, бригада бошлиғи Сатторберган Назаров ва ишчи Қурбонбой Эржонов.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар.

БИР ОДАМНИНГ ИМКОНИЯТИ

Ўн беш йилча шоличилик хўжалигини бошқарган одам — Парда Худоёровни бошқа жойга — пахтачилик хўжалигига раҳбар қилиб юбордилар.

«Рокировка» муваффақиятсиз чиқди. Музработ туманидаги ўша Ат-Термизий номли шоличилик хўжалиги икки йил ичида «чуқурлиги» 65 миллион сўмга тўғри келадиган қарз ботқоғига ботиб қолди.

Шоликорлар раҳбарнинг баҳосини ана шунда англаб етгандай бўлдилар.

Ҳокимлик Худоёровни яна шолига Ат-Термизийга қайтарди. Оҳ, калаванинг йўқолган-йўқотилган учини топиш осон кўчмади: уруғ, техника, ўғит топиш керак. Одамларнинг кунглига чўккан мудроқликни безовта қилиш керак эди.

Сочини оқига қараб, биз ҳам қариямиз дейишга одатланаётган Худоёров имкон топди. Лекин: хўжалик гектаридан 28 центнердан (бултургидан бу ўн саккиз центнергами кўп) ҳосил олди. Ҳалиги 65 миллион қарзнинг 20 миллионини узди. Ўзлари етиштирган гуруч паловининг таъми шоликорларга татийдиган бўлиб қолди. Шу-да имкон топгани.

— Шоличиликда 28 центнер — имконсиз одамнинг имкони, — дейди Худоёров. — Ажабмаски келгуси йили шу кўрсаткични икки бараварига оширсак.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ҲАММОМ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига (МДҲ) асос солинганига олти йил тўлиши арафасида унга аъзо мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида мазкур ташкилотнинг ҳали нисбатан ёш тарихи ва бугуни борасида турли-туман фикрлар билдирилмоқда. Шу муносабат билан биз ҳам МДҲ доирасида кўзга ташланаётган айрим жиҳатлар устида тўхталиб ўтмоқчимиз.

МДҲнинг ўтган олти йиллик тарихига баҳо беришда икки асосий қараш мавжуд. Биринчиси тўғридан-тўғри Ҳамдўстликни тузишдаги мақсад билан боғлиқ. Яъни Россия империяси шаклланиб борган асрларда метрополия ҳеч қачон истиқболда мустамлака ўлкаларни қўйиб юборишни режа қилмаган. Аксинча, империя борлиғини унинг бирон бир қисмининг бошқасисиз, айниқса, метрополия-марказсиз яшай олмайдиган тарзда ташкил қилиб борган. Бу сиёсат ҳам чоризм Россияси, ҳам большевизм Россиясида ўз аҳамиятини йўқотмади. Шу маънода Ленининг 1920 йилиёқ Туркистоннинг бундан буёнги ҳаётини ташкил қилиш борасида қилган режалари диққатни жалб қилмай қолмайди: **1) Туркистоннинг Ўзбекия, Қирғизия, Туркманияга бўлинган харитасини (этнографик ва бошқалар) тузиш топширилсин; 2) Ушбу уч қисмнинг ажралиш ва қўшилиб кетиш шарт-шароитлари батафсил ўрганиб чиқилсин.**

Қуръпсизми, Туркистонда 1924 йиллари рўй берган «миллий-маъмурий бўлиниш»га тайёргарлик аслида тўрт йил бурун Москвада бошланган. Аввал минтақамизнинг этнографик, иқтисодий, гидрография (сув тақсимоти) ва бошқа имконлари обдон ўрганилган. Улар асосида Туркистонни қандай қилиб бўлинса метрополия манфаатларига мос келади, уларни бир-бировидан қандай нисбатда ажратган маъқул. Ўртадаги чегаралар қандай бўлиши керак, қайси республика денгизга чиққани мақсадга мувофиқ ва ҳоказо. Улар бирлашиб кетгудек бўлса, аҳвол қандай тус олади. Хуллас, метрополия манфаатлари нуқтаи назаридан барча жиҳатлар олдиндан обдон ўйланган. Ҳамма иш пишгандан сўнг 1924 йили Москвадан Калинин бошлиқ «улуғ оғалар» бу ерга келиб ўзбек халқининг «Ўзбекистон ССР»ни тузиш ва «СССР» таркибига кириш борасидаги «хоҳишларини» қондириб кетганлар. Аслида эса юқорида кўрганимиздек, «ЎзССР»ни тузиш ва уни «СССР» таркибига олиб кириш билан боғлиқ барча тадбирлар аввалдан Москвада пишитилган. Бошқа «иттифоқдош республикалар» ҳам шу тарзда тузилган.

Кейинги ўн йиллар давомида эса уларни, яъни «иттифоқдош республикалар» ниқоби остидаги мустамлакаларни бир-бирига ва, энг аввало, Москвага маҳкам боғлаш сиёсати олиб борилган. Масалан, пахта Ўзбекистонда етиштирилиб Россия, Белорусия ва бошқа республикаларга олиб бориб қайта ишланган. Чунки пахтани қайта ишлаш тизими айнан ўша республикаларда яратилган эди. Бошқа республикалар ҳам ўзаро худди шу тарзда боғлаб ташланганди. Чунончи, Белорусда автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, станоксозлик, кимё саноатини ривожлантиришга зўр берилган. Бошқа республикалардан келтирилган хом ашё, тарқибий қисмлардан бу ерда тайёр маҳсулот ишлаб чиқилган. Ва, табиий равишда, бундан ҳосил бўлган қўшимча қиймат Белорус номига ёзилган. Аммо, иккинчи томондан, Белорус бошқа республикалардан келтириладиган хом ашё ва таркибий қисмларга қарам бўлиб қолган. Демак, Москва сиёсатига кўра бир республика хом ашёга, иккинчиси эса тайёр маҳсулотга муҳтож қилиб қўйилган. Тақсимотчи эса Москвада ўтирган. Коммуникация, яъни темир, автомобил йўллари, алоқа тизими ҳам метрополия манфаатидан келиб чиқиб қурилган.

1991 йили «СССР» номидаги империя парчаланган билан собиқ мустамлака республикаларда ўнлаб йиллар давомида ўрнатиб келинган, биз юқорида айтиб ўтган, иқтисодий ва коммуникацион тартиблардан бир зумда воз кечиб бўлмасди. Зеро, масалан, Россия тўқимачилари, ҳарбийлари ўзбек пахтасисиз, Ўзбекистон эса Россия нефтисиз қийналиб қолишлари турган гап эди. Яна бир муҳим омил — ҳали бирон бир мустақил давлат ўз мустақил иқтисодиёти асосини, миллий молия ва пул тизимини шакллантириш масаласини ҳал этмаганди. Бу жумбоқни ечиш нақадар оғир кечишини биз сўнгги олти йиллик вақт мобайнида ўз кўзимиз билан кўрдик. Хуллас, яна бир қатор омилларни қўшганда МДҲнинг асос топиши тарихий заруратга айланганди. Бошқалар тўғрисида бир нима дейиш қийин, аммо Ўзбекистонга келсак, Ҳамдўстликка аъзоликдан асосий мақсад унинг имконларидан ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаб бориш бўлгани, шубҳасиздир. Демак, биринчи жиҳатга кўра Ҳамдўстлик унга аъзо давлатлар мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

Иккинчи жиҳат биринчисига тамомила қарама-қарши бўлиб, унинг мазмуни асосан қуйидагиларда кўринади:

«СССР»нинг парчаланиши хусусида икки хил қараш борлиги сир эмас. Биринчиси шундай: собиқ империяни шартли равишда икки қисмга — шарқий ва ғарбий империяларга бўлсак, бирининг марказида Ўзбекистон, иккинчисининг марказида эса Украина туриб келгани ҳам исбот талаб қилмайди. 1991 йилнинг август ойи сўнгги, Жон Рид таъбири билан айтганда, «империяни титратган ўн кун» Ўзбекистон ва Украина республикаларининг ўз давлат мустақилликларини эълон қилишлари билан тарих саҳифасига кирди. Титраш у ёқда турсин, шу ўн кунда 270 йиллик Россия империясига кетма-кет берилган икки зарба унинг асосини ағдариб берди. 1991 йилнинг декабрь ойидаги Беловеж қарорига келсак, моҳият эътибори билан ушбу қарор бир неча ой бурун жони чиқиб бўлган сиёсий мурдага берилган тиббий далолатнома эди, холос. Тўғри, Беловежда яна бир натижага эришилди. У ҳам бўлса, август ойида де-факто ҳокимиятдан четлаштирилган Горбачевдан Ельцин энди де-юре тарзда қутилиб, Кремлда якка ҳукмронликка эришганди.

21 декабрда Олмаотада МДҲга асос солинди. Мустақил давлатлар, чунончи, Ўзбекистоннинг ундан кўзлаган мақсади хусусида юқорида тўхталиб ўтдик. Бундан фарқли ўлароқ Россия МДҲга эртами-кечми собиқ империяни янги шаклда тиклаш имконини берувчи омил сифатида қараган. 1991-1994 йилларда Россия учун бу мақсад йўлида очиқдан-очиқ ва кенг кўламда ҳаракат қилиш имкони бўлмади. Унинг учта асосий сабаби бор, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, эндигина озод тараққиётга қадам қўйган, бировлари ўз давлатчиликларини қайта тиклаётган, бировлари эса тарихда илк бор миллий давлатчиликларига асос солаётган жамиятларда ўзлигини сақлаш, намоён этиш майли ниҳоятда кучли эди. Бу соҳада биров — бировдан орқада қолишни истамасди. **Иккинчидан,** Россияда ички сиёсий кураш авж олган давр айнан 1991-1994 йилларга тўғри келганди. Ички сиёсий ва иқтисодий беқарорлик сақланиб ё кучайиб турган бир шароитда ташқарида кенг миқёсда ҳаракат қилиш доимо мушкул вазифа бўлиб келган. Ва, ниҳоят, **учинчидан**, мустақил давлатлар раҳбариятида очиқдан-очиқ Россия билан яқинлашиш, эски тартибларни тиклаш тарафдори бўлган сиёсий куч кўзга ташланмасди. Яъни Москва фойдасига ўйинбузуқилик қиладиган омил йўқ эди.

1994 йили эса ана шундай ўйинбузуқи пайдо бўлди. Биз бу ерда мазкур йилнинг июль ойида Белорус президентлигига Лукашенконинг сайланишини назарда тутяпмиз. Ушбу сайлов арафасидаги тараддудлар чоғида Россия оммавий ахборот воситалари Москва Лукашенкога ён босаётга-

1 2

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ОҚАДИ

меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш керак. Бу ҳужжатларда мустақил мамлакатимизнинг хусусиятларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар юкланиши, вазифалар белгиланиши, кафолатлар ўрнатилиши лозим.

Бутун дунёда мустақил давлат борки, унинг миллий кутубхонаси бор. Бу шунчаки гап эмас, балки ҳар бир мамлакатнинг миллий-маданий ва маънавий бойликларининг хазинаси ва унинг тарғиботчиси сифатида миллий кутубхона ўз миллатининг фахрига айлантирилган. Миллий кутубхона тушунчаси миллий ўз-ўзини англаш, миллий ифтихор тушунчалари билан ёнма-ён қўйилади, тўғрироғи кейингиларини пайдо қилувчи ва мустаҳкамловчи манба сифатида алоҳида қадрланади.

Бизнинг Ўзбекистондагина эмас, бутун Марказий Осиёда ягона бўлган Алишер Навоий номидаги Республика Давлат кутубхонасига қонуний равшида миллий кутубхона мақоми берилса нақадар ярашар эди, нақадар улуғ иш қилинган бўлар эди.

2. Моддий асос. Ҳозир Ўзбекистондаги деярли ҳамма кутубхоналар бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминланади. Ўз-ўзидан маълумки, бюджетда танқисликлар бўлиб турган паллада кутубхоналар ҳам қийинчиликни баравар тортишга мажбур.

Шунинг учун кутубхоналарда пуллик хизматлар ташкил этиш, хайрия жамғармалари, саховатли кишиларнинг беминнат берган пулларидан фойдаланиш, кутубхоналар қошида кутубхоналарни қўллаб-қувватловчи жамғармалар тузиш мақсадга мувофиқ.

Ана шу ўринда ҳурматли газетхонларнинг эътиборини бир нарсага қаратмоқчиман. Бизнинг халқимиз меҳмондўст, қалби ва қўли очиқ саховатли халқ деймиз. Иншоолло, шундай. Кейинги беш-ўн йил орасида юртимизда хайрия йўли билан юзлаб муҳташам мачитлар, мадрасалар қурилди. Аммо фалон барака топгур ўз маблағидан фалон маҳаллада кутубхона очибди, деган гап қулоғимизга чалинмади. Ёки фалончи бой, тадбиркор фалон кутубхонага шунча китоб совға қилибди, деган гапни ҳам эшитмадик.

Албатта, ҳиммат ҳар бир кишининг ўз иши. Аммо кутубхоналарда, айниқса энди, истиқлол замонида миллий маданиятимиз, миллий мафкурамиз тарғиб қилинаётган, дин-иймонимизга, маънавиятимизга дахлдор китоблар қадр-қиммат топаётган бир паллада кутубхонани ўгай билиб, бегона кўз билан қараш тўғри бўлмас. Бугун Ўзбекистон кутубхоналари, олдинги замонда булганидек, халқимизга ёт ғояларни тарғиб қилиш маскани эмаслигини англаш вақти етди.

Бутун жаҳонда кутубхоналар бир томондан бюджет ажратмаларига, иккинчи томондан ҳомийларнинг моддий ёрдамига таяниб фаолият кўрсатади.

Мисол учун, АҚШ кутубхоначилиги тарихида пўлат қуйиш корхонасининг эгаси Э. Карнеги деган миллионернинг номи ўчмас ҳарфлар билан ёзилган. У XIX аср охири ва XX аср бошларида 1679 та оммавий кутубхона қурилиши учун 40 миллион доллардан ортиқ маблағни ҳадя қилган.

Дунёнинг энг бадавлат мамлакатларидан бўлган АҚШда ҳозир ҳам кўпгина кутубхоналар маблағининг учдан икки қисмини ҳомийларнинг пуллари ташкил этади. Шуниси борки, кутубхоналарга ҳомийлик ёрдами кўрсатганлари учун солиқ органлари уларни ихтиёрий берган пуллари миқдорида солиқдан озод қилади. Эҳтимол, бундай тажрибани бизда ҳам қўллаш кутубхоналарнинг таъминотини кўтаришга туртки бўлар.

3-асос бу — инсон омилидир. Содда қилиб айтсак кадрлар масаласидир.

Биз ҳозирдан бошлабоқ дунё кутубхоначилиги тажрибасига таяниб иш кўришимиз керак. Бугунги кутубхоначи жавондан китоб олиб, китобхонга топширувчи ва муҳлати келганда ундан китобни қайтариб олиб жойига қўювчи хизматчи эмас. Афсуски, кўпчилик кишиларнинг тасаввурида бу касб эгаси ана шундай гавдаланади. Ваҳоланки, бугун, бугун бўлмаса эртага кутубхоналарга мураккаб техника ва технологиялар кириб келади, кутубхона жараёнлари автоматлаштирилади ва компьютерлаштирилади, замонавий алоқа тизимлари ўрнатилади. Мана буларнинг ҳаммаси ҳозирнинг ўзида замонавий талабларга мос келувчи кутубхоначи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Бунинг учун ўзимиздаги кутубхоначи мутахассислар тайёрловчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ишини «Таълим тўғрисидаги» Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига муовфиқ тубдан ислоҳ қилиш керак.

Малака ошириш ва таълим олиш учун ривожланган мамлакатларга бориш, уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш зарур. Ана шу мақсадда «Умид» жамғармаси ва бошқа жамғармаларнинг амалий ёрдамига ҳам таяниш лозим. Кутубхоначиликнинг ўзига хос муаммоларини мунтазам суратда таҳлил қилиб бориш, касбий тажриба алмашиш, китоб ва ахборот рекламасини йўлга қўйиш учун соҳа даврий нашрларини ташкил этиш вақти аллақачон етилди.

Кутубхоначилик ишининг ана шу бир-бирини тақозо қилувчи уч муҳим жиҳати уйғунлик касб этса, мос равишда равнақ топса бошқа мамлакатлар билан ҳамқадам ривожланиш имкониятига эга бўламиз. Бу эса умумжаҳон информация оқимига қўшилишнинг зарур шартларидан ҳисобланади.

Хўш, «бутун жаҳон информация оқимига қўшилиш» дегани ўзи нима.

ДАВР ДАЪВАТИ

Маълумки, янги минг йилликка ўтиш арафасида бутун дунёда интеграция жараёнлари жадал ривожланмоқда. Айниқса, бу коммуникация соҳасида, турли ахборотлар алмашиш соҳасида ўзини яққол намоён қилмоқда. Ҳозирги даврдаги алоқа имкониятларидан фойдаланиб, куррамизнинг бир-биридан минглаб чақирим олисда бўлган икки кутубхонасида сақланаётган китобларни бемалол «ўқиш» мумкин. Дақиқалар ичида, айтайлик, Франция миллий кутубхонаси ёки АҚШ Конгресс кутубхонаси жамғармасидаги бирор ҳужжатдан нусха олиш имконияти бор. Бу «Интернет» алоқа тизимидир. Бугунги кунда бутун дунёдаги миллионлаб компьютерлар «Интернет»га уланган. Афсуски, бундай қулайликлардан биз ҳали бебаҳрамиз. Энди бир тасаввур қилинг. Биз кутубхоналаримизда сақланаётган илмий, умуммаданий ахборотлар билан «Интернет» тизимига қўшилса, 5 миллионга яқин жамғармаси бўлган бизнинг кутубхона ва бизнинг китобхонларимиз ютадими ёки 110 миллион жамғармаси бўлган АҚШ Конгресс кутубхонаси ютадими. Албатта биз ютамизда! Шу боисдан ҳам жаҳондаги илмий-техникавий, маданий-маърифий ахборотлар тизимига тезроқ қўшилишга ҳаракат қилишимиз керак. Бу йўлда, керак бўлса маблағни аямаслик лозим.

Бу масаланинг иккинчи, жуда муҳим томони бор. Биз ўз иқтисодиётимизни, ишлаб чиқаришимизни кўтармоқчимиз, маҳсулотларимизнинг рақобатбардош бўлишига эришмоқчимиз. Бунинг учун бутун жаҳон илмий-техникавий ютуқларидан бохабар бўлишимиз зарур. Уларни ўзлаштириб, улардан ўзиб яратилган янги маҳсулотга бошқалар эътибор беради. Агар мудом биз ташқаридан техника ва технологиялар сотиб олиш билан овора бўлсак, ўз халқимизнинг интеллектуал салоҳиятидан фойдаланмасак, уни жадаллик билан «қўзғаб», кашфиётлар сари йўналтирмасак, ёруғ ниятларимизга, порлоқ орзуларимизга етишиш қийин.

Бу стратегик масала. Миллатимизнинг тақдирига, хавфсизлигига дахлдор бўлган чўнг муаммодир.

Ҳозир юртимизда қурилаётган янги заводлар, фабрикалар, ишга тушаётган технологик жараёнларда ўз йигит-қизларимиз ажнабий ҳамкасбларидан қолишмай меҳнат қилаяпти, аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришяпти. Бу шуни билдирадики, йўл очилса, имкон берилса деҳқон ва чўпон фарзандларининг ақл-заковати чинакам муъжизалар яратишга қодир.

Кечаги шўролар замонида ўз юртимиздаги саноат корхоналарининг ҳам аксариятида нуқул европаликлар ишлашар эди. Ҳатто ўзбеклар пахта етиштиришдан бошқасига ярамайди деб камситишдан ҳам қайтмасдилар. Энди билсак, бунинг ҳаммаси мустамлакачиликнинг ғаддор сиёсати экан. Истиқлол қуёши кўзимизни равшан қилгандан кейин кўпчилигимиз буни англадик.

Эндиликда миллатимизнинг тақдири, миллий давлатимизнинг келажаги ўз қўлимизда бўлган бир шароитда имкониятни бой бермаслигимиз керак. Кутубхоналаримиз миллий равнақимизга, илмий, маданий, маънавий савиямиз, сиёсий ва ҳуқуқий онгимиз ўсишига, башарият тараққиётига ҳамқадам бўлишга замин яратувчи китоблар билан тўлдирилишига эришмоқ зарур.

Абдусалом УМАРОВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг директори.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Америка Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собиқ маслаҳатчиси Збигнев Бжезинский НАТОнинг шарққа томон кенгайиши ҳақида ўз фикрларини билдирди, деб хабар беради «Ассошиэйтед пресс» матбуот агентлиги. Собиқ Президент Картернинг маслаҳатчиси бўлмиш Бжезинский қадимдан НАТОни кенгайтириш тарафдори бўлиб келган. У яқинда хавфсизлик масалалари бўйича немис ва Польша назоратчиларининг Варшавадаги конференциясида иштирок этди. Бжезинскийнинг фикрича, НАТОнинг шарққа томон кенгайиши XX асрдаги Европани ривожлантиришга хизмат қилади. Германиянинг ҳарбий қудрати доимо муаммо туғдириб, ҳаммага ғожиа келтирган, деди Бжезинский аввалги икки жаҳон урушини назарда тутиб. Польша, Чехия ва Венгриянинг НАТОга аъзо бўлиши Европадаги хавфсизликни кафолатлашга ёрдам беради.

* * *

Туркия суди конституциявий судга Фаровонлик партиясининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш ҳақида тавсиянома берди. Бу ҳақда «Ассошиэйтед Пресс» матбуот агентлиги хабар беради. Мамлакатнинг собиқ бош вазири Некметдин Эрбокан раҳбарлигидаги Фаровонлик партияси Туркияни мусулмон давлатига айлантиришга интилаётганликда айбланмоқда. Эрбокан шу йилнинг июнь ойигача ҳукуматга раҳбарлик қилди. Бироқ ҳарбийлар уни истеъфога чиқишга мажбур қилишди. Маълумки, Фаровонлик партиясининг асосий фаолияти мамлакатни исломлаштиришдан иборат эди. Шу боис кейинги сайловларда бу партия кўпроқ овоз олган эди. Агар Туркиянинг Конституциявий суди Фаровонлик партиясининг фаолиятини тўхтатиб қўйса, Некметдин Эрбокан кейинги беш йил давомида мамлакатнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

* * *

АҚШ совуқ урушлар давридаги ядро стратегиясидан воз кечмоқчи, деб ёзади «Дэйли Телеграф». АҚШ ядро урушига узоқ муддатли тайёргарлик кўришдан кўра ядровий зўравонликка ўтмоқчи. Янги стратегия Америка ёки унинг иттифоқчиларига доимий равишда биринчи зарбани бериш имкониятини беради.

* * *

«Таймс» газетасининг ёзишича, Президент Клинтон ўз ўтмишдошларининг анъаналарини қайта тиклашга қарор қилди. Ҳозир Оқ уйда Сокс исмли мушукча яшамоқда. Бундан ташқари шоколад рангидаги лабрадор зотли кучукча ҳам истиқомат қилмоқда. Билл ва Хиллери Клинтон Калифорниянинг Беркли университетида таълим олаётган қизлари Челсини соғиниб, зерикиб қолишди. Шу боис улар собиқ Президент Трумэннинг «агар сизга Вашингтонда дўст керак бўлса, ит боқинг», деган маслаҳатига риоя қилган кўринадилар. Бинобарин Жорж Вашингтон давридан бери ҳар бир Президент Оқ уйда ит боқиб келган.

III

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уйда Шимолий Ирландия социал-демократик лейбористлар партияси раҳбари Жон Хьюм билан учрашди.

* * *

Япония Бош вазири Иркутскда юз берган ҳалокат туфайли Россия ҳукуматига чуқур таъзия билдирди.

* * *

Польша Президенти Александр Квасневский расмий ташриф билан Кишиневга келди.

* * *

Бонн шаҳрида очилган халқаро конференция Босниядаги муаммоларга бағишланган бўлиб, Дейтондаги тинчлик шартномаларининг амалга оширилиши натижаларини муҳокама қилди.

* * *

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев эски ва янги пойтахтда ўз қароргоҳига эга бўлади. Маълумки кеча Оқмола шаҳри расмий равишда Қозоғистон Республикасининг пойтахти вазифасини ўтай бошлади.

* * *

АҚШ ва Корея Халқ Демократик Республикаси 1978 йилда Корея уруши даврида ном-нишонсиз кетган Америка аскарларининг қолдиқларини топиш юзасидан бешта экспедиция ўтказишга қарор қилишди.

БУ САФСАТА ЭМАС

Канаданинг Ванкувер ва Янги Зеландиянинг Окленд шаҳарлари яшаш, ишлаш ва кўчиб бориш учун энг қулай шаҳарлар, деб тан олинди. Швейцариянинг «Корпорейт Ресорсез Груп» ташкилоти дунёдаги энг йирик шаҳарларнинг йиллик рўйхатини эълон қилди. Бунда асосий баҳо «ҳаёт сифати» ҳисобланади. Бу тушунча остида сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, жиноятчиликнинг даражаси, экологик вазият, маърифат сифати ҳамда медицина ёрдами назарда тутилади. Туристлар ва кўчманчилардан ташқари ушбу рўйхатни ҳукуматлар ва халқаро компаниялар ўта қизиқиш билан кутиб олишди. Энг яхши 10 та шаҳар рўйхатига Ванкувер ва Окленддан ташқари Торонто, Цюрих, Женева, Хельсинки, Сидней, Мельбурн, Вена ва Брюссель ҳам киритилди.

* * *

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, медицина тажрибасида шундай ҳодисалар ҳам бўлар экан. Гап шундаки, беш кунлик чақалоқнинг жигари яхши ишламаслиги маълум бўлиб қолди. Шу боис қизчанинг жигари ўрнига бошқа жигар ўрнатилди. Операция эса муваффақиятли ўтди. Бундан олти ой аввал ўтказилган операция муваффақиятли бўлганлигини жаҳондаги кўпгина ахборот агентликлари таъкидлаб ўтишмоқда. Қизчага вафот этган 10 яшар ўғил боланинг жигари ўрнатилган эди. Журналистлар операциянинг муваффақиятли чиққанлигига шубҳа билдиришган эди. Бироқ қизалоқ Бэбхен Шюттке врачларнинг сўзини таъкидлай туриб, журналистларга жилмайди. Бу шубҳа-гумонларга ўрин қолдирмайди, шекилли.

ДУНЁ ДАРЧАСИ

КЕЧА, БУГУН, КЕЛАЖАК

Япония бинокорлиги. Владимир ПАНОВ олган сурат.

IV

«ҚОРА ОЛТИН» СУВДАН АРЗОНМИ?

Жаҳон «қора олтин» бозорининг қироли ким?

Нефть заҳиралари миқдори бўйича араб давлатлари ва Эрон олдинги ўринни эгаллаб туради. Европада бу ҳақда кўп ёзишади. «Эрдол Эрдгаз Кохл», «Шелдатент», «Фоктен» журналларининг ёзишича, дунёдаги нефть заҳиралари 132 миллиард тоннани ташкил этади. Унинг 95 миллиарди араб давлатлари ҳамда Эронга тўғри келади. Россияда 7,9 миллиард тонна, Америка Қўшма Штатларида 3,4 миллиард тонна нефть мавжуд. Қувайт 13 миллиард тонна, Саудия Арабистони эса 36 миллиард тонна нефть заҳирасига эга. Ливия, Жазоир, Миср, Сурия, Яман, Оммон давлатида эса 7 миллиард тонна нефть заҳираси бор.

Маҳсулот бор жойда, албатта рақобат бўлади. Дунёдаги йирик саноатчи давлатларни нефть билан таъминловчи араб мамлакатлари ўртасида ҳам ўзаро шундай «кураш» пайдо бўлгани, бир томондан табиийдек. Лекин Қувайт ва Саудия Арабистони томонидан бошқа араб давлатларига қарши иқтисодий емирувчи кураш — уруш амалга оширилмоқда. Зеро, бу давлатлар ОПЕК қарорларига амал қилмай, нефтни истеъмол қиладиган саноатчи давлатлар — Америка, Европа ва Япония давлатлари буйруқларининг ижрочисига айланиб қолаётир. Бу давлатлар араб нефтининг баҳоси сув текин бўлиб қолиши учун, ишлаб чиқариш доимо истеъмолдан кўп бўлишидан манфаатдордирлар.

Дарҳақиқат, дунё бўйича нефть ишлаб чиқариш истеъмолдан кўп. Йилига 287 миллион тонна нефть «ортиб қолади». Маълумки, ҳар қандай маҳсулот баҳоси буюртмага қараб белгиланади. Буюртма кўпайган сари нархи тушади. Ишлаб чиқариш камайса, нарх кўтарилади. Бу иқтисодиёт қонунидир.

Айтайлик, Кўрфаз уруши пайтида Қувайт ва Ироқда нефть қазиб олиш тўхтагани сабабли дунё бўйича нефть қазиб олиш камайиб кетди ва шу заҳоти 1 баррел нефтнинг нархи 48 долларга кўтарилди (бир баррел нефть 159 литрга тўғри келади). Бир неча кун шундай турди. Сўнг энг кўп нефть қазиб олувчи Саудия давлатининг бир кунлик маҳсулот қазиб олиши 3,8 баррелдан 10 миллионгача кўтариш ҳақида баёнот берганда нефтнинг нархи шу заҳоти 16 долларга тушиб қолди. Аслида саноатчи давлатлар бир баррел нефтни 16 долларга сотиб оладилар-да, ўзларининг бозорларида эса ўртача 160 долларга сотилади. Шунинг учун ҳам Германия хазинасига нефть компанияларининг ўзидан 106 миллиард доллар даромад келади. Италия эса йилига 150 миллиард доллар, Франция 113 миллиард доллар даромад қилади.

Кўриб турганимиздек, араб давлатлари ҳисобига Европа юз миллиардлаб доллар даромад кўрмоқда. Кўпчилик араб мамлакатлари халқи эса қашшоқлик-фақирликда кун кечирмоқда. Ироқнинг ўзида эса қамал оқибатида миллионга яқин гўдаклар нобуд бўлди. Бундай танг вазиятдан қутулишнинг чораси мушкул эмас. У ҳам бўлса араб мамлакатлари ўзаро келишиб йиллик нефть ишлаб чиқаришни 10 фоизга камайтириб, нефтнинг баҳосини оширишда. Бир баррелнинг баҳоси ақалли минерал сувининг баҳосидан пастлигини қандай изоҳлаш мумкин? Чунки бир баррел минерал сув 100 долларга сотилади-да.

Араб дунёси «қора олтин» заҳиралари эвазига дунёдаги энг тараққий этган Европа мамлакатларининг саноатини «юргизувчи» тегирмондир. Ҳолбуки, бу тегирмоннинг ҳам ўз баҳоси бўлмоғигина адолат мезонига тўғри келади.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
шарҳловчи.

Таҳлил

ЭСКИ ТОС

ни хусусида ошкора ёзганлари ҳам маълум. Бунинг сабабини ҳар ким ҳар хил тушунтирган. масалан, баъзилар айтишича ва шахсан Лукашенконинг бот-бот тасдиқлашича, 1991 йили Беловеж қарори Белорус парламентида овозга қўйилганда депутат Лукашенко гўёки ушбу қарорга қарши овоз берган ва бу билан ўша пайтдаёқ Россиядан ажралиб кетиш сиёсатини қабул қилмаган. Аммо мазкур мажлиснинг Белорус парламенти ҳужжатхоналарида сақланаётган баённомасига кўра, Беловеж қарорига қарши овоз берганлар орасида ҳам, ёқлаб чиққанлар ичида ҳам Лукашенконинг номи йўқ. Яъни у «ҳа» ҳам демаган, «йўқ» ҳам. Бугун эса Лукашенко Москва ва советпарастларга ёқиш ниятида ўзини собиқ «совет иттифоқи қаҳрамони» қилиб кўрсатмоқда.

Лукашенконинг ички дунёсини очиб берадиган яна бир ҳужжатга мурожаат қилсак. Мустақиллик шарофати билан бошқа мазлум халқлар қатори белоруслар ҳам ўз тилларига давлат мақомини бериш имконига эга бўлганликларини биламиз. Бироқ президентликка сайлангач Лукашенко Белорусда рус тилига ҳам давлат мақомини бериш, яъни эски тартибни тиклаш тараддудига тушади. Бу борада шу даражага борадики, 1994 йилнинг декабрь ойида «белорус тили қашшоқ тил, дунёда иккита буюк тил бор, у ҳам бўлса рус ва инглиз тилларидир» дейишдан ҳам тоймайди. Лекин бир оз ўтиб эса «мен бундай демаганман» деб туриб олади, агар кимда-ким белорус тилини ерга урганимни исботлаб берса, бир миллион доллар бераман, дея кўкрагига ҳам уради. Бир ҳафта ўтиб Белорус газеталаридан бир нечтаси далил сифатида унинг юқоридаги сўзларини эълон қилсаларда, бироқ бир миллион доллардан ҳанузгача хабар йўқ.

Худди шунингдек, ёдингизда бўлса, Россия телевидениесининг якшанбалик «Время» кўрсатуви шарҳловчиси Доренко Лукашенконинг Гитлер олиб борган «қаттиққўллик» сиёсатини мақтаб айтганларини келтирганда, Белорус раҳбари ўз сўзидан тонган эди. Гап бу ерда унинг у ёки бу айтганларини тан олишида эмас. Энг муҳими, Белорус раҳбарлигида турган шахснинг дунёқарашида. Шу маънода тарихни бир эслайлик. Айнан Гитлер бошлаган босқинчилик сиёсати оқибатида ўт олган иккинчи жаҳон урушида Белорусда 209 шаҳар, 9200 қишлоқ, ўн минглаб саноат корхоналари, деҳқончилик хўжаликлари таг-туги билан вайрон этилиб, 2 миллион 225 минг белоруснинг ёстиғи қуримаганмиди?! Қўшни Украинада 5 миллион кишининг ҳалок бўлиши Гитлернинг «қаттиққўллик» сиёсатининг аччиқ меваси эмасми?! Мазкур дахшатли ғувоҳликлар манзарасида Гитлернинг «қаттиққўллигини» намуна сифатида тан олиш қайси қўйишқонга сиғади?

Шулардан келиб чиқсак, Лукашенконинг ўз халқини яна қарамлик гирдобига тортиб кетаётганлигига ҳеч бир ажабланмаса ҳам бўлади. Шундай бўлса-да бир савол ташлайлик: хўш, лукашизм Белорусни қандай оқибатга олиб келди?

1996 йили Россия-Белорус «иттифоқи»га асос солинди. Нега биз ушбу уюшмани қўш тирноққа олиб, унга шубҳа билдираяпмиз? Чунки моҳият эътибори ва асос топиши нуқтаи назаридан олганда, унинг 1922 йилда ташкил қилинган сохта «иттифоқ»дан ҳеч бир фарқи йўқ. Таъкидимиз қуруқ бўлмасин учун Россия-Белорус «иттифоқи» низомидан баъзи далилларни келтириб ўтамиз. Низомга кўра «иттифоқ» халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланиб, унинг ягона фуқаролиги, «иттифоқ» бюджети жорий этилади ва келажакда янги, яъни ягона пул тизими шакллантирилади. Шу ерда Президентимизнинг Кишинев аэропортида хорижлик мухбирлар билан суҳбатда билдирган қўйидаги фикрларини ёдга олсак: **давлатлараро уюшмалар унитар, федерация, конфедерация, ҳамдўстлик шаклларида қарор топиши мумкин.**

Ана энди бир кўрайлик-чи, Россия-Белорус «иттифоқи» шулардан қайси бирига тўғри келар экан. Лўнда айтганда, ягона фуқаролик ҳатто конфедерацияда ҳам кўзда тутилмайди. Ягона фуқаролик белгиси ё талаби федерация асосида ташкил қилинган уюшмага хосдир. Агар бунинг ёнига ягона пул тизими, бюджет шакллантирилиши қўшилса, демак, гап тўғридан-тўғри федерация ҳақида кетяпти. Шу ўринда Лукашенконинг келажакда биз ягона давлат бўламиз, қабилидаги сўзларини эсласак, ушбу низомда ҳеч бир хатолик йўқлиги аёнлашади-қолади. Шу билан бирга «иттифоқ»нинг амалда «федерациялашуви» учун вақт даркор. Зеро, ҳуқуқий жиҳатдан федерация учун асос бўлгани билан бугун на Россия, на Белорус «иттифоқ»нинг амалий натижаларини намоён этишга қодир эмаслар. Унда қоғоздаги «иттифоқ»дан не фойда? Жавобни қисқа қилсак, 1922 йилдан кейинги жараён ҳам аслида худди шундай кечган. Жаҳон афкор оммаси олдида республикаларни ҳуқуқий жиҳатдан қармоққа туширгандан сўнг Москва кейинги йилларда асосан икки йўналишда иш олиб борган. Бир томондан, республикаларда миллий жиҳатдан ildiz отиш, ўзига содиқ кадрларни тайёрлаб бориш, иккинчи томондан эса иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамроқ ўрнашиб олиб, марказга боғлаб бориш. Мақсад тўлиқ амалга ошгунга қадар эса люмпенлашган омма тенг ҳуқуқлик, суверен республикалар-давлатлар иттифоқи, порлоқ коммунизм, ёвуз империализм, каби ғоялар билан боқилган.

«Иттифоқ» сиёсатининг яна бир сирини очиб қўйсак. Тарихни эсласак, Ф. Хўжаев, А. Икромов ва умуман бошқа республикаларнинг 20-30 йиллардаги миллий етакчилари ҳар ҳолда бемалол Москвани у ёки бу тарзда танқид қилиш имконига эга бўлганлар. Бугун ҳам Лукашенко Москвани танқид қилиш, «улуг оғаси»нинг гапига кирмаслик (Шеремет воқеасини олайлик) имконига эга. Аммо буларнинг барчаси вақтинча. Ўз вақтида Москва оёққа туриб, жойларда ildiz отиб олгач, қандай қилиб Ф. Хўжаев, А. Икромов ва бошқаларнинг суробини тўғрилаб қўйган бўлса, пайти келиб Лукашенко ҳам қандай қилиб четга чиқиб қолганини билмай қолиши шубҳасиз. Бир сўз билан айтганда, Россия-Белорус «иттифоқи» айнан «совет иттифоқи» сценарийси бўйича ривожланмоқда.

«Иттифоқ» тузилгач Белоруснинг иқтисодий «ўсишлари»га келсак бу ерда ҳам хўжакўрсинлик, аниқроқ айтсак, алдамчилик бор. Масалан, Лукашенко кейинги пайтларда ўзининг «иттифоқчилик» сиёсатини оқлаш ниятида рақамларга мурожаат қиладиган бўлиб қолди. Унинг таъкидлашича, 1996 йили Белоруснинг ялпи ички маҳсулоти тахминан 3 фоизга ўсган, жорий йилнинг саккиз ойи натижаларига кўра эса ушбу кўрсаткич 11 фоизни ташкил қилган, саноат ишлаб чиқариши эса 15 фоизга ўсган. Ташқаридан қараганда ҳақиқатан ҳам юксалиш бордай. Амалда-чи?

Оддий тушунтирсак, 1991 йили Белорус 100 та челак ишлаб чиқарган бўлса, 1995 йили 63,6 та челак тайёрлаган, 1996 йили эса 65 та. Кўриниб турибдики, ўсиш у ёқда турсин, 35-40 фоизга камайиш бор. Унда «тахминан 3 фоиз» ўсиш қаердан пайдо бўлди? Жавоби осон: 63,6 билан 65 нинг орасидаги фарқ 1,4 ни тахминан «округлить» қилишдан. Яъни 1991 йилдаги 100 тага эмас, 1995 йилги 63,6 га нисбатан «тахминан 3 фоизга» ўсилган. 1997 йилдаги 11 фоиз «ўсиш»нинг сири ҳам шундай, яъни 1996 йилдаги 65 га нисбатан 11 фоизга «ўсилган». Саноат ишлаб чиқарилишидаги 15 фоиз «ўсиш» сири ҳам шу каби. Яъни 1991 йилдаги 100 фоизга нисбатан 1996 йилги кўрсаткич 62 фоизни ташкил қилган. 1997 йилдаги 15 фоиз «ўсиш» эса айнан ушбу 62 фоизга нисбатан «ўсишдир». Ана энди бундай «ўсишларнинг» технологиясини билиб олгандан кейин «вой, болапақирей, устомон экан-ку» деб юбориш ҳам ҳеч гапмас. (Кези келганда айтиб ўтиш лозимки, бу каби сунъий ўсиш технологиясидан бошқа давлатлар раҳбарлари ҳам унумли фойдаланиб келмоқдалар). Энди асосий саволга қайтсак: амалда қандай?

Белорус ишбилармонлари иттифоқининг раиси, Бизнес ва бошқарув етакчилари халқаро Академияси ва Нью-Йорк Академиясининг академиги, профессор Александр Потупанинг ёзишича, сўнгги икки йил ичида Белорусда сармоя сарфлаш ҳажми 40 фоизга камайиб кетган, корхоналарнинг бир-бировидан қарзи 200 триллион белорус рублига тенг, мамлакатга олиб киритилаётган маҳсулотларнинг умумий миқдори ташқарига чиқарилаётганидан 1,8 миллиард долларга кўп. Демак, мамлакат иқтисодиёти ташқи қарзлар ҳисобига яшамоқда ва бу қарзлар келажак авлод бўйнига тушиши турган гап. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош эмаслиги натижасида ҳозирда омборларда 10 триллион белорус рублига тенг маҳсулот йиғилиб қолган. Харидор йўқ. Чунки пули бор мамлакат молнинг яхшисини олади-да. Иккинчи томондан эса Белорус маҳсулотини оламан деганларнинг эса пули йўқ. Лукашенконинг собиқ тартибларни, хусусан, ягона марказни тиклашдан манфаатдорлигининг сабабларидан бири ҳам шунда. Ўшанда янги марказ бўйруғи билан, масалан, Ўзбекистон пахтани Минскка жўнатади, ўрнига трактор келади. Ёқмай қолсин.

Лукашенко Белорусига хос яна бир янгилик, аниқроғи эскилик қўйидагича.

Оммавий ахборот воситаларида ёзилишича, ҳозир бу мамлакатда ўтган йилларда хусусийлаштирилган корхоналар қайтадан давлат тасарруфига қайтариб олинмоқда. Натижада ишбилармонлар ё мамлакатни тарк этмоқдалар, ё бўлмаса аввалгидек хуфёна фаолият юритишга мажбур бўлмоқдалар. Хуллас, эски «иттифоқ»нинг энг олди «аъналари»дан Лукашенко унумли фойдаланмоқда. Жумладан, волюнтаризмдан. Масалан, Покистонга ташриф буюрган Лукашенко бу ерда Белорус тракторларига харидор топиб, ишни битириб қайтади: ҳар бир тракторни 4,5 минг долларга келишади. Корхонадан маҳсулотнинг чиқиш нархи эса, айтсам ишонмайсиз, 14 минг доллар.

Бир сўз билан айтганда, сўнгги икки-уч йилда Белорус иқтисодиёти аянчли аҳволга тушиб қолди. Агар иқтисод бирламчи, сиёсат иккиламчи бўлса, иқтисодий асоси бўш мамлакатнинг сиёсий мустақиллиги қай даражада экан? Россия учун эса бу айни муддао. Иқтисодий жиҳатдан Белорус қанчалик заифлашиб борса, у шу қадар Москвага, «иттифоқ»қа қарам бўлиб бораверади. «Катта оға»нинг югурдагига айланади-қолади. Шу маънода ишончли манбалардан олинган қўйидаги мисол намуналидир. Кишинев учрашувида Ўзбекистон раҳбарининг танқидий чиқишидан сўнг Ельцин дарҳол кичик танаффус эълон қилган. Танаффусдан сўнг эса сўзга Лукашенко чиқиб йиғилиш руҳини ўзгартирмоқчи бўлади, «катта оғаси»га пахта қўяди. Бошқача айтганда, танаффусда тегишли кўрсатма олган.

Хуллас, Россия-Белорус «иттифоқи» бир ёқлама уйин, собиқ империяни тиклаш йўлидаги жиддий уринишдан бошқа ҳеч нарса эмас. Ўтган ҳафтада Минскда бўлиб ўтган «иттифоқ» ижроия қўмитасининг йиғилиши ҳам бу борадаги навбатдаги қадамлиги шубҳасиз. Биргина мисол. Мазкур учрашув чоғида «иттифоқ» телевидениесини ташкил қилиш тўғрисидаги гап-сўзлар сув қаёққа қараб оқаётганидан далолат. Ким билсин, бундай йиғилишларда яна қандай режалар пишитилар экан. Умуман олганда, бир ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг «иккитадан», «тўрттадан» бўлиб, у ер, бу ерда пичирпичир қилишлари яхшими? Бундай «сепаратизм» МДҲ илдизига болта урмайдими? Ё Ҳамдўстлик мустақил давлатларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш омили сифатида хизмат қилишидан кимлардир манфаатдор эмасмикан? **Шу маънода МДҲ унга аъзо ҳар мамлакатнинг ўз ички потенциалини рўёбга чиқариш имконини берувчи уюшма ва иқтисодий, ҳуқуқий макон сифатида қабул қилинмоғи лозим. Ҳар бир давлат ўз кучи ва қудратига суянмоғи керак. Шундагина у бошқаларга ҳам ёрдам қўлини чўза олади. Шундагина ўзаро ҳамкорликка йўл очилади. Биров бировдан шубҳа қилмайди, ҳамкорлик ҳамдўстликка айланади. Ушбу ҳақиқатни англамай ё англашни хоҳламай турли сиёсий уюшмалар тузиб, унга бошқаларни ҳам даъват этаётганлар хато қиладилар. Зеро «иккилик», «тўртлик» каби «иттифоқлар» гўёки янгича асосда қурилаётган бўлсада, аммо унинг мазмунида барибир ўша эски тос ётганига бугун ҳеч кимда шубҳа қолмади.**

Азамат ЗИЁ.

ҚАШҚА ВОҲАСИДА ОТ СУРГАНЛАР

Бундан тўрт йил аввал — Мустақилликнинг икки йиллиги арафасида қашқадарёликлар каттагина шахмат фестивали ўтказиш ташаббуси билан чиққандилар. Фестивалнинг бош турнири нуфузли бўлиши ва юқори савияда ўтиши борасида республика шахмат федерацияси имкон қадар ёрдам қўлини чўзди. Кўпгина етакчи шахматчиларимиз қатори қўшни республикалардан ҳам вакиллар қатнашган. Ўша мусобақа вилоятда шахмат ишларини тубдан яхшилаш хизматини ўтаб, бу ердан биринчи шахмат устасини майдонга чиқазди. Бу шарафга мушарраф бўлган Раимжон Ражабов атрофига чинакам фидойи ташаббускорлар бирлашиб, янги-янги режаю тадбирлар амалга оша бошлади. Очиғини айтганда, бунда ҳомийларнинг ўрни алоҳида. Совринлар миқдорига қараб номдор шахматчилар қатнашишга розилик беришгани ҳам шундан.

Мазкур тадбирдан қаноат ҳосил қилган республика шахмат федерацияси ўзининг махсус мусобақаси — навбатдаги Ўзбекистон чемпионати олий лига турнирини шу воҳада ўтказиш ҳақидаги таклифни маъқуллар экан маҳаллий ташкилотларнинг сўзлари билан ишлари мутаносиб бўлишига ишонч билдирган эди.

Машҳур Оқсарой биқинида жойлашган муҳташам бинонинг катта зали шахматчилар ихтиёрида. Мусобақанинг очилиш маросимида унинг ташкилий қўмитаси аъзолари — вилоят ҳокимининг ўринбосари, Шаҳрисабз шаҳар ва туман ҳамда Китоб ҳокимларининг қатнашганлигининг ўзи шахмат санъатига бўлган ҳурмату эътибор рамзи эди.

1995 ва 1996 йили Қаршида ўтказилган фестиваль ҳамда улуғ бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган оммавий мусобақа эса халқаро даражага кўтарилди. Шу йил март ойида ўтказилган ўсмир ва қизлар республика шахсий биринчиликлари жаҳон ва қитъа чемпионлатрига қатнашувчи ёш вакилларимизни аниқлаб берган ва уларнинг биттаси Чироқчи туманидан келган 9 ёшли Сарвиноз Эргашева бўлганлиги ҳавасни янада кучайишига сабаб бўлди. Сарвиноз яқинда Францияга жўнайди. Туман ҳокимлиги унга компьютер совға қилганига нима дейсиз. Керакда. Чинакам ҳомийларни топиб, совринлар таъсис этиш йўлларини ҳам қашқадарёлик мутасаддилардан ўрганса арзийди. Ҳозир воҳа ёш шахматчилари республикада тўртинчи ўринда. От суриб, фил ўйнатиш шунчалик бўлади-да!

ЖИДДИЙ УЧРАШУВЛАР АРАФАСИДА

Халқаро шахмат федерациясининг янги президенти Кирсан Илюминжинов таклифи билан жаҳон шахсий биринчилигини ўтказиш тизими бошқача тус олди. Шунга кўра шу йил 8 декабрда унинг қатнашчилари Грионгин шаҳрида тўпланиб, саралаш мусобақаларини бошлайдилар. Энг сара 64 шахматчи орасида республикамиз вакили борлиги жуда қувонарли ҳолдир. Маълумки, жаҳон шахсий биринчилигининг Марказий Осиё минтақаси турнирида олти мамлакатдан 13 вакил қатнашиб, биринчи ўрин тошкентлик гроссмейстер Александр Ненашевнинг ғалабаси билан тугаган ва низомга кўра кейинги босқичга йўлланма олган эди. Ўшандан бери ўтган икки ярим йил орасида Ненашев кўпгина нуфузли халқаро мусобақалар ғолиби бўлди. Ненашевнинг ҳозирги рейтинг даражаси 2610 га тенг бўлиб, рўйхатда 56-ўринни банд этиб турибди. Шахмат марказида биринчи бор бундай ҳуқуқни қўлга киритган вакилимизга омад ёр бўлсин, деймиз. Ненашев дастлаб ким билан учрашини иштирокчилар ўртасида ташланадиган қуръа белгилаб беради.

* * *

Айни кунларда тегишли йўлланмаларни қўлга киритган самарқандлик спорт устаси Иброҳим Ҳамроқулов билан тошкентлик Севара Юсубалиева Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳрида ўтадиган Осиё ўсмирлар ва қизлар биринчилигига, яна олти вакилимиз эса Франциянинг Канн шаҳрида ўтказиладиган болалар жаҳон биринчилигида қатнашиш олдидан сўнгги тайёргарлик машқларини ўтказмоқда.

Шатранж оламида

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Донишмандлар айтади

ОИЛА МУҚАДДАС

Никоҳ кўп ташвиш туғдиради, аммо никоҳсиз турмушда ҳеч қандай шодлик йўқ.

С. ЖОНСОН.

Яхши хотин — жон малҳами.

«ҚОБУСНОМА».

Аёл эркак зотининг буюк мураббийсидир.

А. ФРАНС.

Ўйлаб-нетиб ўтирмай шартта уйлан. Хотининг яхши чиқса-ку — хўп-хўп, ёмон чиқса — файласуф бўласан.

СУҚРОТ.

Эр-хотин ёстиқдош бўлгунларига қадар бир-бирларининг одатлари, феъл-атвори ва характерларини мукаммал ўрганмас эканлар, уларнинг турмуши бахтли бўлиши гумон.

О. БАЛЬЗАК.

Аёл кишини изтиробга қўйган ҳолда эркак киши бахтли бўлолмайди.

В. ГЮГО.

Номус эр-хотин тотувлигининг қони ва жонидир.

Д. ФОНВИЗИН.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 11 dekabr, payshanba № 145 (22.228).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«ЎЗБЕКИСТОН ФАНИ» ЎЙЛАНМАСИ

Азиз муштарий! Таърифлари қуйида баён этилган сўз ва номларни шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзиш билан машқни ҳал этинг.



1. Таълим - тарбияга оид, шарқда машҳур «Қобуснома» асари муаллифи. 2. Моддалар хоссаларини ўрганувчи табиий фан. 3. Риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия олими, мустақил «Ал-жабр» (алгебра) фани ва «Алгоритм» тушунчаси асосчиси. 4. Таниқли ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган педагог. 5. Коинот жисмларини ўрганувчи фан. 6. Сиёсат ва маърифат арбоби Мунавварқори Абдурашидхоннинг «Қуръони Карим»ни ўқиш усулига оид қўлланма китоби. 7. Илм маскани. 8. Маълум тартибда жойлаштирилиб берилган маълумотлар манбаи. 9. Само ёритгичлари ҳолатини аниқлашда қадимги қўлланилган асбоб. 10. Бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини баён этиш. 11. Ўрта аср тилшунос олими, «Девону луғотит турк» қомусий асари муаллифи. 12. Китоб матнидаги айрим сўзга оид қўшимча, тушунтириш маълумоти. 13. Механика соҳасидаги олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби 14. «Аруз рисоласи», ҳуқуқшуносликка оид «Мубаййин», мусиқага оид «Асрори мусиқи» асарларини ёзиб қолдирган мумтоз шоир, давлат арбоби. 15. Ёзувда турли шаклда қўлланиладиган белги тури. 16. Мирзо Улуғбекнинг устози, ўз даврида «Афлотуни замон» деб аталган билимлар соҳиби. 17. Қуёш тутилишини олдиндан ҳисоблаб чиққан, Ернинг шарсимонлигини илмий исботлаган шарқда «Ҳисоб» таҳаллуси билан шуҳрат топган аллома. 18. Ўқув юртларида она тили ёки адабиётдан ўтказиладиган синов. 19. «Эҳтиромлар назарияси лимит теоремалари»га оид туркум иши учун Беруний номидаги Давлат мукофотига сазавор бўлган физика-математика фанлари доктори. 20. Маълум матн асосида ўтказиладиган ёзма иш. 21. «Бухоро тарихи» асари муаллифи. Марказий осиёлик тарихчи. 22. Тафаккур шакли ва қонунларини ўрганувчи фан. 23. Кишининг билмини оширишга қаратилган воситалар мажмуи. 24. Бирор воқеа, ҳодиса муносабати билан юзага келган бадиий асар. 25. Алишер Навоий ҳикматидан: «Ҳар ишки қилмиш одамизод, ... бирла билмиш одамизод». 26. Ўрта асрларда илмий ҳисобланиб кўплаб асарлар ёзилган тил. 27. Мадраса муаллими. 28. Табобат билими бобокалони, қомусий аллома. 29. Қадимги мактабларда араб ҳарфлари алифбосига мувофиқ тузилган ҳисоб илмига асосланган ўқиш босқичи.

МУАММОНОМА.

Очқич сўзлар:

1. «Тилимиз» асарини ёзган атоқли адиб, олим ва давлат арбоби, маърифатпарвар — 14,2,16,4,1,16.

2. Қомусий олим Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Берунийнинг доривор ўсимликларга оид асари — 12,1,7,15,1,10,1.

3. Ҳадис илми билимдони, буюк муҳаддис — 2,6,9,6,1,3—8,19,11,9,4,2,7.

4. Абдулла Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» ахлоқий ва таълимий мазмундаги асарининг «Илм» — бобидан:

Илм бир дарё 2,18,2 16,17, 3,6,2,13 дуру гавҳар билон.

Қиймату чадрин қачон билгай они жоҳил йилон.

5. Техника илми мутахассиси — 6,19,5,1,10,15,2,12.

Энди шакл атрофидаги рақамларни жавоблардаги тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Уни кўрсаткич йўналиши бўйича ўқиш билан мумтоз туркийгўй адиб донишманд, мутафаккир Юсуф Хос Хожибнинг икки мисра ҳикматли сўзи аён бўлади.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

«Ватан туйғуси» ўйланмасининг жавоблари

Очқич. 1. Ғурур. 2. Эътиқод. 3. Онг. Юксак. 4. Абдулла Авлоний. 5. «Катта тўра». 6. Шом. 7. Мамлакат. 8. Азиз. 9. «Ҳидоя».

Ибратли сўзлар:

Ватан туйғуси — бу азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлишдир.

Спорт

БИРИНЧИ УЧРАШУВ— СЕН-ДЕНИДА

Келаси йили жаҳон футбол чемпионатининг дастлабки учрашуви 10 июнь куни Сен-Дени шаҳрида Бразилия ва Шотландия жамоалари ўртасида ўтказиладиган бўлди. Чемпионатнинг 32 финалчиси ўртасида ташланган қуръа натижалари шундан далолат берди. Финалчилар 8 гуруҳга бўлинди. Чунончи, «А» гуруҳи — Бразилия, Шотландия, Марокаш, Норвегия, «В» гуруҳи — Италия, Чили, Камерун, Австрия, «С» гуруҳи — Франция, Жанубий Африка, Саудия Арабистони, Дания, «Д» гуруҳи — Испания, Нигерия, Парагвай, Болгария, «Е» гуруҳи — Голландия, Бельгия, Корея, Мексика, «Ғ» гуруҳи — Германия, АҚШ, Югославия, Эрон, «Г» гуруҳи — Руминия, Колумбия, Англия, Тунис, «Н» гуруҳи — Аргентина, Япония, Ямайка, Хорватия жамоаларидан ташкил топди.

ЎРИНСИЗ ЭЪТИРОЗ

Маълумки, мухлислар моҳир боксчимиз Руслан Чагаевни жаҳон чемпиони бўлганидан беҳад қувонган эдилар. Афсуски, чемпионликни белгилаб, ғолибга олтин медаль беришда андак англашмовчилик юз берганмиш. Айтишларига қараганда, ҳаваскор боксчилар Халқаро федерацияси Чагаевнинг ғалабасига эътироз билдириб, ғўёки у ўтган йили профессионал боксчилар рингида учрашув ўтказган деб даъво қилинмоқда. Ҳақиқатдан ҳам боксчимиз вазни ва маҳорати жиҳатидан Русланга тенг келадиган чарм қўлқоп усталари ўзимизда камлигини ҳисобга олиб, бултур Чикагода икки учрашув ўтказилган эди. Лекин бу учрашувлар расмий баҳс бўлмай, балки машқни тобига етказиш важидан ташкил этилган. Афсуски, халқаро бокс федерацияси буни ҳисобга олмасдан профессионал рингни кўрган боксчини ҳаваскорларга рўбарў қилиш маън этилади, деган қоидага қатъий риоя қилишга ўринмоқда.

Таниш-нотаниш одамлар

«СЕНИНГ КЎЗЛАРИНГ БИЛАН КЎРАМАН...»

...Махсет ҳовлиларида яшнаб очилиб ётган турфаранг атиргуллардан бир даста узиб келди.

— Бу гулларни Қурбонгул билан мен парвариш қиламан. Қаранг, мана бу сариғининг ҳиди жуда ўткир. Мана бу сен севган рангдагиси, — чўғдек қизил атиргулни рафиқасига узатди у.

Мен эса ҳайрон қолиб ўтирардим. Нега ҳайрон қолганимни айтсам, сиз ҳам ҳайрон бўласиз. Чунки, Махсетнинг кўзи ожиз...

...Мен уларни деярли ҳар куни учратаман. Гоҳ туман ҳокими қабулхонасида, гоҳ қайсидир қишлоқдаги бир хонадонда, гоҳ мажлисларда. Махсет бор жойда Қурбонгул ҳам албатта бор. Кўзи ожизлар жамияти аъзоларининг ўй-ташвишларини тинглаш, уларнинг дам олиш ва даволанишларини ташкил қилиш, муаммоларини имконият даражасида ҳал этиш, ногиронлар, кам таъминланган оилалар ҳаёти билан яқиндан танишиш, иложи борича уларга кўмаклашишга интилиш — бу ишлар Тўрткўл тумани кўзи ожизлар жамиятининг раиси, Тўрткўл шаҳар Кенгаши депутати сифатида Махсет Тауматовнинг кундалик фаолиятидан ўрин олиши тушунарли.

Лекин мен суҳбат давомида Махсетнинг ўй-ташвишлари, ҳаётининг янги қирраларини кашф эта бошладим.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаоли сифатида у қатор халқаро конференцияларда иштирок этган.

— Оролга халқаро миқёсдаги субъект ҳуқуқи берилса, уни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш енгил кўчади. Бу таклифимни ўтган йил Нукусда бўлиб ўтган конференцияда Марказий Осиё экология ташкилотлари номидан айтдим.

Кейин у ҳали тугалланмаган номзодлик иши — Қорақалпоғистонда қўриқ ерларни ўзлаштириш тарихига оид тўплаган фактларига таяниб, ўз қарашларини илмий асосда баён эта бошлайди.

Дарвоқе, номзодлик иши ҳақида. Махсет Нукус Давлат дорилфунунининг тарих факультетини тугатгач, 1987 йил Тошкент Давлат дорилфунуни аспирантурасига ўқишга кирди. Қурбонгул ҳам у билан бирга аспирантурада «ўқий» бошлади. Қурбонгул илмий манбалар — дарслик, қўлёзма ва мақолаларни ўқиб беради. Махсет тинглаб, илмий иши учун керакли ўринларни айтиб туради. Қурбонгул ёзади. Махсетга ўқиб беради, у тузатишлар киритгач, қайтадан ёзади. Жуда паст овоз билан ўқиса ҳам, бу ҳолат атрофдагиларнинг ғашига тегади. Бирикки бор дакки эшитиб, энди мақолани Махсетнинг қулоғига шивирлай бошлайди. Бундай ҳоллар Навоий номидаги кутубхонада кўп маротаба содир бўлган...

Умид билан яшаган яхши. Отаонаси, ака-укаларнинг мадади билан, даво истаб кўп жойларга боришди. Москва, Санкт-Петербург, Киев, Қрим...

— Биласизми, Пушкиннинг асарларини жуда севаман. Боқчасарой фавворасини кўриш орзуим эди. Кўрдим.

У инсон ҳайкали кўзларидан кўзёш мисоли оқаётган сувни ҳайратланарли тарзда аниқ тасвирлайди. Лекин мен энди ҳайратланмайман. Чунки унинг Боқчасарой фавворосини Қурбонгулнинг кўзлари билан кўрганини тушунаман.

— Қалб кўзи ожиз бўлган одамлардан худо асрасин! — дейди Қурбонгул. — Туманимиздаги қишлоқлардан бирида 80 яшар кўзи ожиз бир кампир яшайди. Аҳволидан тез-тез хабар оламиз. Ош-овқатига қўшнилари қарайди. У ёлғиз эмас... икки ўғли бор. Хоразмда, уй-жой қилиб кетишган. Йилига бир марта ё келадилар, ё йўқ. Ҳар сафар борганимизда, юм-юм йиғлаб қайтаман.

Махсет суҳбатни мавзусини бошқа ёққа буриб юборади:

— Биласизми, Қурбонгул билан қандай танишганман? Биринчи учрашувда у билан кўпроқ сўзлашиб туриш учун чўнтакка сув қуйишга тўғри келган — кетмакет ўнта музқаймоқ олиб берганман-а...

Қурбонгул яшнаб кетади. Кейин эслай бошлайди. Махсет бир сафар шумлик қилиб, техникум директори чақиряпти деб (Қурбонгул шаҳардаги қишлоқ хўжалик техникумида ўқиган), учрашувга чиқарган...

— Вой, ойижон, чойни тўкиб қўйдингиз-ку, — онасини тергайди асалгина қизчалари Асалхон.

— Ие, шунақами, унда ойингни уришаман, майлими? Сен чой тўкиб қўйсанг, ойинг уришади-ку? — ҳазиллашади Махсет.

— Йўқ-йўқ, уришманг ойижонимни, — қизалоқ тарафкашлик қилиб Қурбонгулни қучоқлаб олади.

Мен бу оила билан хайрлашар эканман, Махсет айтмаган бир гапни эшитгандай бўлдим: «Сенинг кўзларинг билан кўраман, Қурбонгул!»

Қурбонгул айтмаган бир гапни ҳам эшитдим: «Сиз учун яшаяпман, Махсет!»

...Махсет ва Қурбонгул билан учрашувдан кейин уч-тўрт кун ўтган эди. Ҳорғинагина одимлаб, кўчада, йўлак бўйлаб кетаётган эдим. Олдимда кетаётган икки аёлнинг гап-сўзи қулоғимга чалинаверди. Гуноҳ бўлса ҳам тинглаб, изма-из бораяпман.

— «Морена Клара»ни кўраяпсизми? Э-э, худо кўтарсин бундай фильмни. Хотинларга ҳамма нарсани ўргатди. Хабарингиз борми, фалончи дўхтир бор-ку (битта аёлнинг номини айтади), ўша бош врач билан дон олишиб юриб, ўн икки йилдан бери бирга яшаётган эрини, «характеримиз тўғри келмади» деб, ажрашиш учун судга ариза берибди...

Ё рост, ё ёлғон бу гаплар менинг ғашимга тегади. Уларни шартта тўхтатиб, Махсет ва Қурбонгул ҳақида гапириб бергим келади...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ЮТУҚЛАР КЎТМОҚДА!

СИЗНИ ЭНГ КАТТА ЮТУҚЛАР КУТМОКДА!

ЮТУҚЛАР КУТМОҚДА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Тошкент шаҳар "Наврўз" хайрия жамғармасининг "УМИД" пул-ютуқли лотереясини накд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотиб олинг! Лотереянинг баҳоси 25 сўм.

Ушбу лотерея ўйинида:

5 та 1000 000 сўмлик
5 та 600 000 сўмлик
5 та 300 000 сўмлик
5 та 200 000 сўмлик
5 та 100 000 сўмлик
5 та 50 000 сўмлик
10 та 20 000 сўмлик
20 та 10 000 сўмлик
40 та 5 000 сўмлик
45 та 1 000 сўмлик

ютуқлар бор!

Лотереянинг ютуқлар тиражи 1998 йил 25-26 февралда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Тиражда 45 миллион сўмлик ёки 505000 та ютуқ бор. Бу лотерея билетини 25 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарса йўқотмайсиз, балки ютуқ эгаси ҳамда бадавлат одам бўласиз!

"УМИД" хайрия

лотереяларини сотиб олишга шошилинг!

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

АВТОКОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ШАХСИЙ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«СОВУТГИЧ»

ҳиссадорлик жамияти

барча турдаги автомобиллар учун антифризни ва тормоз суюқлигини чекланмаган миқдорда пул ўтказиш йўли билан сотади.

Антифриз ва тормоз суюқлигининг сифати ва ишончлилигига кафолат берилади. Нархи келишилган ҳолда ва бозор баҳосидан арзон!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Икромов тумани, Саноат зонаси. Обводная кўчаси, «Равшан» ҳиссадорлик жамияти биносида.

Телефонлар: (3712) 47-53-45, 47-03-06.

Тошкент Давлат Техника университети томонидан 1.08. 1996 йилда Ҳамдамов Азизжон Аҳмаджонович номига диплом ўрнига берилган №284-сонли вақтинчалик маълумотнома (Рўйхатдан ўтиш рақами №51590) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. БОБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0808

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА